

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил  
21 декабрь  
чоршанба  
№ 153-154 (4750)

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

## ТАРАҚҚИЁТГА – ФАҚАТ МАШАҚҚАТЛИ ВА ЖАСОРАТЛИ МЕҲНАТ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.



Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ташкилотлари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Мурожаатнома ўндан ортиқ телеканал орқали жонли эфирда, шунингдек, Президентнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали онлайн ёритиб борилди.

>>> 4

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар! Хурматли депутат ва сенаторлар! Мухтарам меҳмонлар! Жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Беҳисоб шукр, бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сафимизга қарийб 900 минг янги авлод қўшилмоқда.

Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечирishi учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида ти-

нимсиз изланыпмиз.

Яқунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлди, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади. Ушбу даврда тўллаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол исботлаб бермоқда: **тараққиётга – фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади.**

Шу боис, пандемия, дунёдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятларга қарамасдан, халқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати билан эришган айрим ютуқларимизни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Кенг кўламли ва самарали ислохотларимиз натижасида ялпи ички маҳсу-

лот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди.

Иқтисодийимизга шу йилнинг ўзига 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди.

Бундай катта натижалар илгари бўлмаган.

Биз бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдорини минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқдик. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилаларга қўмак берил-

моқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

Биз иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш сиёсатини изчил давом эттирамиз.

Бу рақамларни айтиш осон. Уларнинг ҳар бири ортида машаққатли меҳнат турибди. Чунки инсон қадрини, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала.

Шу мақсадда охириги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурдик.

Бу даврда қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилиб, уларнинг жами сони 5 миллион 300 мингга етди. Ҳозирги вақтда яна 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни яратиш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда.

Халқимиз соғлигини сақлаш учун барча тиббий хизматларни энг чекка туман ва маҳаллалар даражасигача туширяпмиз.

Одамларимизни касб-хунарли қилиш, уларнинг бизнесига кенг йўл очиш, ҳақиқий мулкдор бўлиб, даромад топиши учун зарур шароитларни яратмоқдамиз.

>>> 2, 3, 4



### Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев жорий йилнинг 21-22 декабрь кунлари давлат ташири билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида Туркия Фойдали қазилмаларни тадқиқ этиш ва қидириш Директорати (МТА) бош директори ўринбосари Наил Йилдирым ва лойиҳа раҳбари Мустафо Тоқўғли билан учрашув бўлиб ўтди.

Самарқанд давлат университетида «Суффа платосидаги халқаро радио расадхона: миллиметрли ва субмиллиметрли астрономия истиқболи» мавзусида Ўзбекистон – Россия II илмий семинари ўтказилди.


Шу йилнинг 19 декабрь куни «Uzbekistan Airways» томонидан харид қўйилган тўртинчи Airbus 321neo самолёти «Тошкент» аэропортининг маҳаллий авиация ўналишлар терминалига келиб қўнди.

Астана шаҳрида Марказий Осиё биринчи медиа форуми бўлиб ўтмоқда.

Олий суд 173 нафар қаттагон қурбонларини оқлади.

Колумбиянинг Богота шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган Жаҳон чемпионатида 3 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритиб, 90 дан зиёд давлатлар орасида кучли олтиликдан жой олган Ўзбекистон спорт делегацияси юртимизга қайтиб келди.

### Саҳифаларимизда ўқинг



### «Аёллар дафтари»:

## Учинчи босқич сарҳисоби ва тўртинчи босқич режалари



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИНИ ТИЗИМЛИ РАВИШДА ҲАЛ ЭТИШ, УЛАРНИ ИЖТимоий Қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссиясининг кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

>>> 5

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

&lt;&lt;&lt; 1

Бу йил 381 нафар спортчимиз жаҳон ва Осиё мусобақаларида, 43 нафар иқтидорли ва билимдон ёшларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадалари ҳамда танловларида совринли ўринларни кўлга киритгани барчамизни албатта қувонтиради.

Нуроний отахон ва онахонларимиз оила даврасида, ҳаж ва умра зиёратларида шукроналик дуоларини қилаётгани бизга куч ва ғайрат бағишламоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланаётгани, халқаро ҳамжамият буни кенг эътироф этаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманларга мезбонлик қилдик ва муҳим ташаббусларни илгари сурдик. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Мана шундай катта ютуқларга эришишда фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган ҳар бир юртдошимизга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Жаҳоннинг илм-фан, маданият ва спорт шохсупаларида байроғимизни баланд кўтарётган ўғил-қизларимиз, шижоатли ёшларимизга янги-янги зафарлар тилайман. Улар бизнинг фахримиз-ғуруримиздир.

Чегараларимиз дахлсизлиги ва тинчлигимизни кўз қорачигдек ҳимоя қилиб келаётган Ватанимиз посбонларига ҳам эзгу тилакларимни йўллайман.

Қадрли фахрийларимиз, муҳтарам опа-сингилларимиз, тадбиркор ва фермерларимизга ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Ислохотларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган хорижий ҳамкорларимизга, бугунги анжуманда қатнашаётган дипломатик корпус вакилларига ҳам ташаккурларимни айтаман.

**Албатта, эришаётган барча ютуқларимиз, инсон қадрли улуг бўлган дийёр – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалардир. Биз бунёдкор халқимиз билан бирга бундай эзгу ишларни давом эттирамиз ва олдимизга қўйган катта-катта марраларга албатта эришамиз.**

Ҳурматли юртдошлар, қадрли меҳмонлар!

Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз – бугун инсоният ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ер юзида иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурслар камийиши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланмоқда.

Халқаро муносабатларда ўзаро ишонч камийиб, қарама-қаршилиқ ва можароларнинг ортиси барқарорлик ва ривожланишга жиддий хавф солмоқда.

Афсуски, бундай хавф-хатарлар бизни ҳам четлаб ўтмапти.

Қорақалпоғистонда шу йил ёз ойида содир бўлган нохуш воқеалар бутун эл-юртимизни қаттиқ қайғуга солди. Худуга шукр, кўп миллатли халқимизнинг оқиллиги ва донишмандлиги билан вазият тезда изга тушди.

Биз учун **«Қорақалпоғистоннинг ютуғи – бутун Ўзбекистоннинг ютуғи, Қорақалпоғистоннинг ташвиши – бутун Ўзбекистоннинг ташвиши»** деган ғоя ҳамиша амалий ҳаракат дастури бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бизнинг эзгу мақсадимиз – биргаликдаги меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган, обод ва фаровон Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир.

Асрлар давомида эт ва тирноқ каби бир бўлиб кетган халқларимиз дўстлигига ҳеч қандай куч таъсир кўрсата олмайди. Чунки бизнинг ўтмишимиз бир, бугунимиз ҳам, келажгимиз ҳам бир.

**Биз жонахон Ватанимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яқлितлигини таъминлашга ҳар томонлама қодирмиз. Тинч ва осойишта ҳаётимизни асраб, мустақиллигимизни мустақкамлаб, барқарор тараққиёт йўлимизни жадал давом эттирамиз!**

Азиз дўстлар!

Бир ҳаётий ҳақиқатни таъкидламоқчиман – бугун замон ҳар қачонгидан ҳам тезлашди. Фаровонлик ошгани сайин аҳолимизнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди.

Шу боис, **«Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат»** деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаёти-

мизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Хозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустақкамлашимиз зарур.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Асосий қонуимизни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ислохотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутмоқда. Бугунги кунга қадар бу борада 220 мингдан зиёд тақлиф келиб тушгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Муҳокамалар қизғин давом этмоқда. Бу жараёнда депутатларимиз, сиёсий партияларимиз масъул ва фаол бўлиб, ҳар бир тақлифга жиддий ёндашаётганини кўриб турибмиз. Бунинг учун уларга раҳмат айтаман.

**«Жамият – ислохотлар ташаббускори»** тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаслаҳат иш тутамиз.

Умуман, маъно-мазмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқишимиз керак.

Фуқароларимиз билдирган барча тақлиф ва истаклар албатта инobatга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Энг муҳими – ҳар бир ватандошимиз конституциявий ислохотларга дахлдор бўлиши ва **«Бу – менинг Конституциям»**, деб юксак ғурур ва ифтихор билан айта олиши керак.

Муҳтарам юртдошлар!

Келгуси йилга режаларни тўғри олиш учун халқимизнинг фикрини ҳар бир йўналиш бўйича чуқур таҳлил этиб, 20 мингга яқин тақлифларни муҳокама қилдик.

Одамларимиз таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт йўналишларида аниқ-аниқ масалаларни кўтариб, улар бўйича тизимли ечимларни ҳам тақлиф қилмоқда.

Аҳолимиз биздан мактаб, боғча ва шифоналарни кўпайтириш, таълим ва тиббиёт сифатини оширишни, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларини ҳал қилишни, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликка янги имкониятлар яратишни, адолатни таъминлаш, овозгарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда.

Кўтарилган масалалар аниқ ва ўринлидир. Қанчалик қийин бўлмасин, биз бу муаммоларни ечимимиз шарт. Ҳеч ким четдан келиб, буларни ҳал қилиб бермайди. Одамларимизнинг ташаббуси, шижоати ва салоҳиятини ишга солиш учун барча шароитларни тўғдириб бериш асосий вазифамиз бўлиши керак.

Халқимизга қанча имконият яратсак, бунинг фойдаси жамиятимизга ўн қарра, юз қарра бўлиб қайтади.

Шу боис, кириб келаётган янги, 2023 йилга юртимизда **«Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»**, деб ном беришни тақлиф қиламан.

Нима учун йилга бундай ном бераймиз?

Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгилади. Бу сиёсат бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён.

Аслида ҳам, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, бу – бунёдкор халқимиз, дуоғўй ота-оналаримиз, навқирон авлодимиз эмасми?

Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратishi учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз.

**Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир.**

Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек: «Заковат бор жойда улуглик бўлади, Билим бор жойда буюклик бўлади».

Шунинг учун ўшбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар кўйган масалаларни уларга қиладиган ҳал этишимиз керак.

Биз келгуси йил Давлат дастурига халқимиз кўтарган барча масалаларни аниқ ечимлари билан киритамиз. Ушбу жараёнларда депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, ёшлар, тадбиркорлар ва кенг жамоатчилигимиздан фаол бўлишларини, янги-янги тақлиф ва ташаббуслар билдиришларини сўрайман.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Энди 2023 йилдаги устувор йўналишларга тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчи йўналиш.** Ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтишни тақлиф қиламан.

Нима учун сўзни айнан шу йўналишдаги ислохотдан бошлаяпман?

Олдинлари эътибордан четда қолиб, «йўқ бўлиб кетиш» арафасида бўлган соҳаларни «оёққа турғизиш» учун олти йил давомида янги вазирлик ва идораларни ташкил қилишга тўғри келди. Шундай қилишга мажбур эдик, акс ҳолда ҳозирги ютуқларимиз бўлмас эди.

Мактабгача таълим, уй-жой коммунал, «маҳаллабай» ишлаш, инвестиция, давлат хизматлари, давлат-хусусий шериклик соҳаларида катта натижаларга эришдик. Хусусий сектор ва тадбиркорликнинг ривожланиши ортага қайтмас жараёнга айланди. Аҳолимизнинг фаоллиги, замонавий технология ва касб-хунарларга интилиши ошиб бормоқда. Иқтисодиётимизда кундан-кунга янги-янги йўналиш ва соҳалар яратилмоқда.

Бу борада хусусий ташаббусларни янада кенгайтириш, уларга янги истиқболларни очиш мақсадида энди «қўл бошқарувидан» – аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш вақти келди.

Очиқ айтиш керак – ҳозирги кунда давлат аппаратида тақоррланиш кўп, кераксиз штатлар бор. Марказлашув оқори. Оқибатда бугунги мураккаб масалаларга тўғри ечим топиш учун ортиқча вақт, куч ва ресурс сарфланмоқда.

Вазирларнинг Ҳукумат қабул қиладиган қарорларда, таъбир жоиз бўлса, «овози йўқ». Яъни, уларнинг ушбу қарорларни тайёрлаш ва ҳаётга жорий этишдаги иштироки ва масъулияти етарли эмас. Энди вазирларнинг бундай эскича усулда ишлашга ҳаққи йўқ.

Агар вазирнинг ўз соҳаси бўйича узоқни кўзлаган аниқ ёндашувлари бўлмаса, унинг фаолияти тўфайли одамларнинг оғири енгил бўлмаса, ўзингиз айтинг, бундай раҳбардан нима наф бор?

Шунинг учун янги маъмурий ислохотлар тўғрисидаги Фармонни имзоладим. Бунга узоқ тайёргарлик кўрдик.

Биринчи босқичда вазирликлар ислоҳ қилинади, Ҳукумат иш услуби ҳам тубдан ўзгаради. Энг аввало, вазирлик ва идоралар сони ҳозирги 61 тадан 28 тага камайтирилади.

Энди ҳар бир вазирлик тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлиб, тармоқ таркибидagi кўмитга, агентлик ва инспекцияларга раҳбарлик қиладди.

Кўп вазирлар ўзгаради. Ўз соҳасининг чуқур билимдони, фидойи ва ишидан халқ рози бўлаётган вазирлар лавозимида қолади. Ўйлайманки, бундай ёндашув адолатли бўлади.

Давлат хизматчилари сони босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқаради. Иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий масалаларга йўналтирилади.

Ҳар бир вазирнинг сиёсий мақоми, Президент, парламент ва жамоатчилик олдидаги масъулияти оширилади. Бунга мос равишда жавобгарлиги ҳам кучайтирилади. Уларга аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун етарли ваколат ва маблағ берилади.

Вазирликлар фаолиятида очиқлик, қонунийлик, натижадорлик ва сифат асосий мезон бўлади.

Биз коррупция ҳақида кўп гапирамиз, лекин вазирлик тизимида коррупцияга йўл қўйилса, нима учун вазир жавоб бермаслиги керак? Энди сўров бошқача бўлади. Вазир ўзи раҳбарлик қиладиган соҳага ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича биринчи бўлиб ўзи жавоб беради.

Имом Мотуридий бобомизнинг: **«Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳамиша сен билан бирга бўлган»**, деган ҳаётий ҳикмати ҳар бир вазир, ҳар қайси раҳбарнинг онги, қалби ва ҳаракатида муҳрланиши лозим.

Давлат вакиллари ўзининг ҳалол меҳнати, оддийлиги, халқсеварлиги, самимийлиги ва фидойилиги билан одамларимиз меҳрини қозониши керак.

Энди вазирларнинг сиёсий масъулияти оширилиб, Ҳукумат қарорлари лойиҳалари, мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бевосита вазирлар иштирокида коллегиял ҳал этилади.

Ҳар бир вилоятдаги муаммоларни ечим учун ҳар ойда жойига чиққан ҳолда, «Ҳукумат куни» ўтказилиши йўлга қўйилади.

Вазир ҳар йилнинг бошида жамоатчилик олдида соҳадаги режаси ва йил якуни билан эса унинг натижаси бўйича ҳисобот беради. Таъкидлаб айтмоқчиман – энди қайси вазир ўз ишини эплай олмаса, истезфога чиқади.

Шу ўринда яна бир фикрни Парламент вакилларига етказмоқчиман.

Сўнги йилларда кўп ваколатларни Олий Мажлисга ўтказдик, уларни янада кенгайтиришни ўйляяпмиз. Янги вазирни тайинлашда ҳам депутатлар иштирок этмоқда, режалари билан танишиб, маъқулаяпти. Лекин, афсуски,

кейинчалик фақат танқид билан чекланмоқда.

Маълумки, соҳалар бўйича иккала палатада ҳам кўмиталар, комиссиялар бор. Аслида, улар вазирларга қайси йўналишда ёки ҳудудда иш яхши кетмаётганини кўрсатиши, камчиликлар бўйича жойига чиқиб, аҳоли фикрини ўрганиб, масалага биргаликда ечим топишлари лозим.

Шу боис, вазир фаолиятини самарали ташкил этишда парламентдаги кўмитга, комиссия ва депутатларнинг ҳам масъулиятини белгилаш тўғри бўлади, деб ҳисоблайман.

Албатта, танқид ҳам керак. Аммо ҳозирги депутатларга берилган катта ваколат ва имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим.

Мен ҳам узоқ йиллар депутат бўлиб ишлаганман, ўша даврда Парламентда ҳисобот берган вазирларни камдан-кам кўрар эдик. Ҳозир эса вазият мутлақо бошқача-ку! Шунинг учун энг муҳим масала – юрт тақдирига дахлдор бўлиб, халқимизни рози қилиш учун ҳаммамиз биргаликда ишлашимиз керак.

Умуман, Парламентимизнинг иш услубини яхшилаш ва фаолият самарадорлигини ошириш ҳам Конституциямизда ўз аксини топиши зарур.

Маъмурий ислохотларнинг иккинчи босқичи сифатида келгуси йилда ҳудудлардаги бошқарув тизими ҳам ислоҳ қилинади.

Барча маъмурий ислохотлар доирасидаги янги ташаббуслар Конституциямизда албатта белгилаб қўйилиши лозим. Ўйлайманки, сизлар ҳам бунга қўшилиасизлар.

Бу йил «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги янги қонунни қабул қилдик. Бундан буён давлат лавозимларида фақат конкурс асосида ишга қабул қилинади. Барча раҳбарлар фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаб борилади.

Ҳар йили 500 нафар мутахассисни энг нуфузли хорижий олийгоҳ ва марказларда ўқитиб келамиз.

Келгуси икки йилда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлигига республика идораларида юқори лавозимларда ишлаган, билимли ва тажрибали кадрлар қўйилади.

Янги йилдан бошлаб ҳар бир ҳоким ўз туманига 40-50 миллион доллар хусусий инвестицияларни олиб келиши керак бўлади.

Вазирлар фақат давлат маблағини сарф қилмасдан, ўзлари ҳам ташаббус кўрсатиб, хусусий инвестицияларни жалб қилишлари лозим. Масалан, давлат-хусусий шериклик орқали қишлоқ, сув, ўрмон хўжаликлари, транспорт соҳаларига бемаалол йилга 1 миллиард долларгача сармоя олиб келиш мумкин.

Маъмурий ислохотлар доирасида яна бир муҳим ташаббусни илгари сурмоқчиман.

Ҳозирги кунга келиб Марказий Осиёда аҳолиси миллиондан ортиқ шаҳарлар 7 тага етди. Минтақамизда пойтахтлар билан бир қаторда бошқа йирик шаҳарлар ҳам «ўсish нукталари»га айланмоқда. Буларнинг орасида Самарқанд ва Наманган шаҳарлари ҳам бор. Уларнинг ҳар бирида аҳоли сони бир миллионга етмоқда. Иккала шаҳарда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳри дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айланмоқда. Наманган ҳам sanoat, тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказ сифатида ўз ўрнини топмоқда. Шу боис, Самарқанд ва Наманган шаҳарларини алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар сифатида республика бўйсунувига ўтказишни тақлиф қиламан.

Бу пойтахтимиз Тошкент билан бир қаторда «ўзига тортувчи марказлар»ни кўпайтириш бўйича бошлаган сиёсатимизда янги амалий қадам бўлади; жон бошига даромад, иш жойларини кўпайтиради; иккала вилоятда ҳам туманларни ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратилади ва буям адолатдан бўлади.

Энди ушбу вилоят ҳокимлари фақат йирик шаҳарлар билан эмас, туманларда шароитларни яхшилаш бўйича ҳам ишлаши талаб этилади.

Ҳар иккала шаҳарни ривожлантириш дастури Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланиб, уларнинг ижроси учун бевосита Бош вазир жавоб беради.

**Иккинчи йўналиш.** Биз Янги Ўзбекистонни «ижтимоий давлат» тамойили асосида қуришни мақсад қиляпмиз. Буни Конституцияда мустақкамлашимиз керак.

Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демақдир.

Шу боис, биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз.

**«Нажот – таълимда, нажот – тарбияда,**

**нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия тўфайли эришилади».**

Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак. Шу боис, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазибаларимиздан бири бўлади.

Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарур, деб ҳисоблайман.

Келгуси йилдан бошлангич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади. Ҳозирги вақтда улар халқаро экспертизадан ўтиб, ўзимизда синовдан ўтказилмоқда. Лекин юқори синфларда-чи? Очиқ айтиш керак, уларда берилаётган таълим ва тарбия сифати, ўқитувчиларнинг билими ва маҳоратини талаб даражасида, деб бўлмайди.

Болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларини пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-хунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз лозим.

Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарур.

Мана, мактабларимизга қандай муҳит кириб келиши керак!

Бу борада Президент мактабларида 130 та мамлакатда маъқуланган «А-level» таълим дастури йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Бу жараёнда ҳар бир ўқувчи ўзининг қобилиятига қараб, аниқ йўналишлар бўйича чуқур ўқитилади, дунёнинг нуфузли олийгоҳларига кириш имкониятлари кенгайди.

Шу боис, 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилишни бошлаймиз.

Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш, янги дарсликларни ишлаб чиқиш, илғор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этиш учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил қилинади. Миллий ўзлимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади.

Ҳозирги очиқлик сиёсати, чет эл инвестициялари ва янги корхоналарнинг ортиб бораётгани ёшларимизни замонавий билимлар ва хорижий тилларни ўрганишга ундамоқда. Шу боис, мактабларга юқори малакали хорижий ўқитувчиларни олиб келишга мажбур бўляпмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча мактаб жамоаларига мурожаат қилмоқчиман.

Жондан азиз болаларимиз мактабдан чет тилларни, касб-хунар ва компьютер саводхонлигини пухта ўрганиб чиқса, биласизларми, жамиятимиз қандай ўзгаради?

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

<<< 1, 2

Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни қўлаб-қувватлашни кенгайтираамиз. Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқро ташкилотлар билан бирга, алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз.

Сўнги олти йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етиши натижасида бугунги кунда 2 миллионга яқин бола боғчага бормоқда. Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган ЮНЕСКОнинг Мактабгача таълим бўйича Умумжаҳон анжуманида ҳам бу ислохотларимиз юксак эътироф этилди.

Шу билан бирга, келгуси беш йилда қамровни 80 фоизга етказиш учун 600 минг янги боғча ўрни керак. Бу – жуда катта марра. Шу боис, боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Боғча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга қўшимча шароитлар яратилади.

Сўнги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етди, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди.

Биз бу рақамларни янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Лекин, таълим сифати нима бўлади, деган савол ҳаммамизни ўйлантириши керак.

Авваламбор, бунга ҳар бир олийгоҳ ўзи ҳаракат қилиши лозим, ўшанда натижа бўлади.

Бу борада 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилди, уларда трансформация офислари очилди. Олийгоҳ ректорлари, профессор ва ўқитувчилар бу жараёнларда фаол бўлишлари, янги, илгор методикаларни жорий қилишлари керак.

Келгуси йилда олийгоҳ талабалари учун имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм ажратилади.

Бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу – 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар кўп, дегани.

Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди.

Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди.

Келгуси йили илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилади.

Энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак.

Хурматли юртдошлар!

Халқимизнинг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтираамиз.

Аввало, бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонун билан белгиланади.

Ажратилаётган маблағлар ҳар бир беморга етиб бориши учун давлат тиббий сўғуртасига ўтшини тезлаштираамиз. Келгуси йили бу тизим Тошкент шаҳрида бошланади. Босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилинади.

Шу ўринда бир оғриқли масалани айтиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда 7 миллион аҳолида турли хил сурункали касалликлар бор.

Соғлом ҳаёт тарзи ҳақида олти йилдан бери гапиряпмиз. Лекин Соғлиқни сақлаш вазирлиги буни ҳали жой-жайига қўя олмапти. Соғлом овқатланиш рационага доир тавсиялар одамларга етказилмапти, турли ёшдаги кишилар учун jismoniy машқларни ўргатиш ишлари йўқ. Аслида, инсон саломатлиги, тиббиётнинг замини ҳам шулар-ку! Шу боис, «**Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи**» янги **умуммиллий ҳаракатини** маҳалладан бошлаймиз. Бу ҳаракатда ёш қари – барча юртдошларимиз ўз ўрнини топиши керак.

Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш ишлари давом эттирилади. Келгуси икки йилда ҳар бир оилавий поликлиника ва шифокор пунктига энг керакли ускуна ва жиҳозлар етказиб берилади, экспресс лабораториялар тўлиқ янгиланади.

Янги йилда қўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалари, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилади.

Шу билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик катта дастур амалга оширилади. Барча туғруқ комплекслари тўлиқ таъмирланади ва жиҳозланади, ўринлар сони 35 фоизга кўпайтирилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда 15 мингга яқин онкологик беморлар нур ёрдамида да-

воланишга муҳтож. Шу боис, келгуси йилда Самарқанд, Фарғона ва Хоразмда, давлат-хусусий шериклик асосида Радиология марказларини ташкил этиш лойиҳаларини бошлаймиз.

Муҳтарам қўшма мажлис қатнашчилари! Маълумки, барча ислохотларимиз замини ва кўзгуси бу – маҳалла. Жамиятимиздаги барча жараёнлар маҳалла ҳаётида ўз ифодаси ва амалий ечимини топади.

**Маҳалла – тинчлик ва осийшалик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўрғонидир.** Шунинг учун ҳам бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилади.

Авваламбор, 2023 йилда аҳоли томонидан тақриф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳар бир маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши зарур.

Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилади. Бунинг учун янги йилда 1 январдан бошлаб мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади.

Шу билан бирга, Конституциямизга аҳолининг муносиб ҳаёт кечирishi ва уй-жойга эга бўлиши тўғрисидаги янги моддаларни киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

Аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини 1,5 баробар ошириб, 90 мингга етказамиз. Бу борада икки йил олдин бошланган имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари бериш давом эттирилади.

Келгуси йилда Тошкент вилоятида «Менинг биринчи уйим» янги ипотека дастури бошланади. Дастур доирасида, биринчи навбатда турар жойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар барпо этилади.

Бундан ташқари, жамоат транспортидаги вазият мутлақо ўзгаради. Тошкент шаҳри учун қўшимча равишда 1 мингта замонавий автобус сотиб олинади, 7 та ер усти метро бекати ишга туширилади. Буларнинг ҳисобидан ҳар куни 500 мингдан зиёд пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратилади.

Худудларда ҳам йўловчи ташishi сифатини яхшилаш мақсадида яна 1 мингта автобус ҳаракати йўлга қўйилади. Бу орқали жамоат транспорти бўйича аҳвол оғир бўлган 300 та маҳалладаги 1 миллион аҳолининг узоғи яқин қилинади.

**Учинчи йўналиш.** Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим.

Сўнги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп иш қилдик. Шу билан бирга, одил судловни таъминлаш бўйича ҳали қўлимиз етиб бормаган масалалар бор. Афсуски, ҳозир ҳам тергов сифати пастлиги, судларда одамларнинг оворагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмақ қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар учрамоқда.

Бу масалалар, энг аввало, Олий суд раиси ва Бош прокурорни ташвишга солиши керак.

Нима учун ҳалигача давлат ҳисобидан бепул таъминланадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга тушмади? Ким бунга қарши?

Бу масалани алоҳида назоратга олиб, тез кунларда ушбу тизимнинг тўлиқ ишга туширилишини таъминлашимиз зарур.

Шу боис, қисқа мuddатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратамиз. Бу масалада алоҳида Фармон имзоланади.

Энг аввало, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилади. Бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилади.

Тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказамиз. Энди терговчи жиноятга алоқадор деб, ҳар қандай мулкни хатлаб қўя олмади. Ахир, биз хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш бўйича озмунча ҳаракат қилаямизми?

Бундан буён мулк ҳуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади. Тергов сифатини ошириш бўйича ҳам тизимли чоралар кўраамиз. Тергов шахсни айбонлаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаши керак.

Шу билан бирга, судда ишларни қўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади. Улар махсус ўқитилади, ишни судда қўришда ҳолис, мустақил бўлиши қонун билан белгиланади.

Одил судловни таъминлашда ҳимоячи берилган ҳуқуқлар ҳам қайта қўриб чиқилиб, етмайдиган ваколатлар берилади.

Нима учун адвокатга жиноят иши қўзга-

тиш ва тугатиш ҳақидаги қарордан нусха берилмайди? Бундай ҳолатда тенглик ҳақида қандай гапирishi мумкин?

Энди судларга жиноят иши фақат айблов ҳулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилинади.

Айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизим жорий қилинади.

Охириги пайтларда айрим вақтинча ушлаб туриш жойларидан инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича оғриқли масалалар кўтарилмоқда.

Бизнинг юртимизда бундай ҳолатлар умуман бўлиши мумкин эмас. Ким бунга амал қилмаса, қонун устувор, жазо муқаррар бўлади.

Шу боис, бундай жойларга олиб келинган барча шахсларни ҳисобга олишнинг онлайн тизими жорий этилади ва юзни таниш ускунаси ўрнатилади.

**Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият.**

Бош прокурор ва ички ишлар вазири бу ҳақиқатни ҳар бир ходимига етказиб, таъсирчан назорат ўрнатиши шарт.

Илгор хорижий тажрибалар асосида маъмурий судлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқамиз.

Маъмурий судларга ҳоким қароридан нозизи бўлиб мурожаат қилинган тақдирда, ишларни экстерриториал тартибда, яъни бошқа ҳудудда ҳам кўриш амалиёти жорий қилинади.

Вазирлар ҳам, ҳокимлар ҳам бир ҳақиқатни яхши тушуниб олиши керак: **Ўзбекистонда мулк ва инвестициянинг ҳимоячиси қайсиқидир ҳоким ёки вазир эмас, фақат Конституция, қонун ва суд бўлади.**

Бу борада Халқро тижорат судини Ўзбекистонда ташкил қилиш бўйича ҳам амалий ишлар бошланади.

Юқоридаги барча ташаббусларни Конституцияда тўғридан-тўғри муҳрлаб қўйиш лозим.

Шу ўринда биз учун долзарб муаммо бўлган коррупция масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган икки йилда 5 мингга яқин мансабдор коррупцияга доир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилди. Лекин, очик айтиш керак, бу – масаланинг сабаби билан эмас, оқибати билан курашимиз.

Депутат ва сенаторлар, маҳаллий кенгашлар ҳам бонг уриб, аниқ соҳаларни таҳлил қилиб, коррупцияни бартараф этиш бўйича фаол бўлишлари керак эмасми?

Ҳар бир депутат ўзининг округидаги бюджет ҳисобидан бўлаётган қурилишлар, йўлларни, ҳар ойда бориб кўрса, буюртмачи ва пудратчидан сифатни талаб қилса, биласизларми, ахвол қандай ўзгаради? Бунинг учун сизларда етарли ваколат ҳам, шижоат ҳам бор. Коррупцияга қарши курашиш борасида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, ҳуқуқий асослар яратилди.

Энди амалий ишларни кучайтириш керак. Сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман коррупцияга имкон яратадиган барча бўшлиқларга барҳам берилади.

**Тўртинчи йўналиш** экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айлиниб бораётгани билан боғлиқ.

Биз нафақат бугунги, балки келажак авлодларини ҳам ўйлашимиз шарт. Шу боис, Конституциямизда табиий ресурслар, жумладан, сув ҳавзалари ва ер ости захираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтиришимиз зарур.

Биласиз, мамлакатимиз сўнги 3 йилда қурғоқчиликни бошдан кечирди. Бунинг таъсири, айниқса, Амударёнинг қуйи ҳавзасидаги ҳудудларимизда яққол сезилди.

Шу ўринда Амударё ўзанида янги канал қурилиши бўйича қўшни Афғонистоннинг муваққат ҳукумати ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан бирга халқро меъёрлар асосида ва минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олиш юзасидан амалий мулоқотлар олиб бориш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бундай ёндашув қўшниларимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланишига ишонамиз.

Умуман, сўнги 15 йилда ёгингарчилик 25 фоизга қисқарди. Ёзда ўта иссиқ кунлар давомийлиги ортгани олдимида ҳали катта синовлар борлигидан далолат беради. Лекин ҳозирги вақтда экин майдонларига сув етказиб беришда сезиларли йўқотишлар бор. Шу боис, сув ҳўжалиги тизими ислоҳ қилинади.

Сувнинг ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизими жорий этилади ва келгуси уч йилда 13 мингга яқин сув ҳўжалиги объекти рақамлаштирилади. Шу билан бирга, 16 та йирик насос станцияси давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилинади ва муқобил энергияга ўтказилади.

Буларга қўшимча равишда сув солиғи бўйича тушумлارнинг бир қисми туманларда сўғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилади.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жиддий экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Аксарият ҳудудларимизда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқариб бораётгани, чўлланиш, сув етишмаслиги, қурғоқчилик, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш шулар жумласидандир.

Табиатимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши керак. Бу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларимизни, хусусан, «**Яшил макон**» **умуммиллий лойиҳаси** доирасидаги ишларимизни кучайтираамиз.

Хурматли халқ вакиллари! Биз қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни қатъий давом эттираамиз.

Ер муносабатлари бўйича катта ишларни бошлаб, шу йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ерини аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб бердик. Бунинг ҳисобидан 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат етиштирилди.

Энг асосийси, қишлоқларда 400 мингта янги деҳқон ҳўжалиги ташкил қилинди, 1 миллион 200 мингдан зиёд одамларимиз банд бўлиб, даромад оляпти.

Агар шу ислохотни қилмаганимизда, бозор ва дўконларимиз ҳозиргидек тўкин бўлармиди, экспорт шу даражага етармиди, жон бошига даромад ўсармиди?

Шу боис, 2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратамиз. Бунинг ҳисобидан қарийб 350 мингта янги деҳқон ҳўжалиги ташкил этилади.

Агар жами 750 мингта янги деҳқон ҳўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантира олсак, қишлоқда жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади. Мен бунга ишонаман.

Вилоят ва туман ҳокимлари бу ишни самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар бўлиб, халқ олдида доимий ҳисобот бериб боришлари керак. Бунинг учун кооперацияни фаол қўллаб-қувватлаймиз, кичик ва ўрта қувватли сқлаш корхоналари, саралаш ва қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантираамиз.

Умуман, аграр соҳада юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш лойиҳаларига 2023 йилда 1 миллиард доллар ажратилади.

**Бешинчи йўналиш.** Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Конституцияда алоҳида ўрин эгаллаши керак.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган кескин жараёнлардан барчангиз хабардорсиз. Жаҳонда мураккаб геосийсий вазият, энергия ресурслари танқислиги кучайиб бормоқда, озиқ-овқатга эҳтиёж ортиб, молиявий ресурслар қимматлашмоқда.

Бундай вазиятда, қанчалик оғир бўлмасин, иқтисодий ислохотларни қатъий давом эттираамиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислохотларни жадаллаштираамиз.

Биринчи навбатда, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилади.

Биз чуқур таҳлил қилдик. Келгуси йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилади. Жумладан, тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган 26 та туман – 1-тоифага; инфратузилмаси яхши бўлган 46 та туман – 2-тоифага; шароити нисбатан қоникарли бўлган 76 та туман – 3-тоифага; жозибадорлиги етарли бўлмаган 40 та туман – 4-тоифага; шароити оғир бўлган 20 та туман – 5-тоифага тўғри келади.

Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланишини белгилаймиз. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади.

Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинандиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоиз миқдорда белгилаймиз. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Якка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

Худди шундай, бошқа тоифадаги туман-

ларда кредитларга пайсаятирилган фоиз ставкаларини қўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қўллаб бериш каби бир қатор енгиликлар берилади.

Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги мажбуриятларимизни қисқартирмаган ҳолда, бизнесга солиқ юкнини камайтириш бўйича ишларни давом эттираамиз. Жумладан, 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пайсаятириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади. Лекин бизнес муҳитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас.

Ўтказилган сўровларда 70 фоиз тадбиркорлар солиқ, божхона, ҳокимият, электр, кадастр, ёнғин хавфсизлиги, санитар назорат каби идоралар томонидан маъмурий босимлар борлигини билдирган. Шу боис, 2023 йилда назорат қилувчи ва рухсат берувчи идоралар фаолияти яна бир марта танқидий кўриб чиқилади.

Биринчи навбатда, илгор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмуричилиги жиддий ислоҳ қилинади. Бунда ҳамма давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий қилинади. Келгуси йил шу масала билан қаттиқ шуғулланамиз.

Таъкидлаб айтмоқчиман: биз тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни енгилаштириш бўйича бошлаган ислохотларимизни жадал давом эттираамиз!

Хурматли дўстлар!

Халқимиз ҳам, тадбиркор ва инвесторлар ҳам биздан долзарб масала бўлган энергетика соҳасида аниқ ечимлар кутаётгани сир эмас.

Очик айтиш керак, энергетика соҳасидаги муаммолар бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ.

Кўп йиллар давомида янги газ конларига инвестиция киритилмагани, электр ва газ тармоқлари модернизация қилинмагани ҳам айни ҳақиқат. Оқибатда тизимда аниқ ҳисоб-китоб йўқлиги, катта йўқотишлар оддий ҳолга айланиб қолган эди.

Шу билан бирга, сўнги олти йилда аҳолимиз 13 фоизга, саноат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 минггага кўпайди. Натижада электр энергиясига талаб камида 35 фоиз ошди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Иқтисодий тизимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард доллар инвестиция керак. Бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкин.

Шу боис, сўнги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Жумладан, ўтган ҳафтада Бухоро, Наманган ва Хоразмда қуввати 500 мегаваттлик яна 3 та қуёш станциясини қуриш бўйича танлов якунланди. Депутат ва сенаторлар томонидан қабул қилинган янги қонунлар бунинг учун ҳуқуқий асос бўлди.

Йил бошидан қуввати 1,5 минг мегаваттлик 7 та электр станциясини ишга туширдик.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

&lt;&lt;&lt; 1, 2, 3

Худди шундай асосда бошқа вилоятлар ҳам ҳисоб-китобларини қилиб, келгуси йил учун аниқ режаларини белгилаб олиши керак.

Республиканинг ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ҳам ўз ҳудудидаги хонадон ва корхоналарда жами 5-10 мегаваттлик қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини амалга ошириши шарт.

Агар ана шу масалага жиддий киришсак, бу ишлар албатта натижасини беради.

Умуман, келгуси уч йилда барча давлат ташкилотларида кўш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилди. Ушбу мақсадларда 2 миллиард доллар миқдоридан инвестиция жалб қилинади. Бунинг ҳисобидан уларнинг 60 фоиз электр ва газ истеъмоли «яшил энергия»га ўтказилди.

Аҳоли хонадонларида эса, кўш панели ўрнатишга ажратилган субсидиялар ҳажми 2 баробар кўпайтирилди.

Умуман, «яшил энергия»га тезроқ ўтмасак, бу борада қонунларимизда ҳам аниқ механизмларни белгилаш керак, аҳолимиз ва тадбиркорларимизни рози қила олмаймиз.

Газ захираларини кўпайтириш мақсадида геология-қидирув ишлари бўйича ўн йиллик дастур қабул қиламиз. Бунда янги технологияларни жорий этиб, илк бор чуқур қатламларда газ қазиб чиқариш ишларини бошлаймиз. Жумладан, Устюртнинг юқори истиқболга эга чуқур қатламларида қидирув ишларига нуфузли хорижий инвесторлар жалб қилинади.

Газ қазиб чиқаришга олдин берилган барча лицензиялар қайта кўриб чиқилади, самарасиз ишлаётган корхоналар бўйича тегишли чоралар кўрилади.

**Олтинчи йўналиш.** Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаймиз.

Биз сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришдик.

Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жум-

ладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга туширамиз ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади.

Мисол учун, «Ёшлик» мис конини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи якунига етказилиб, 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга 3-мисни бойитиш фабрикаси ишга тушади. Бу орқали Олмалиқ комбинатининг рудани қайта ишлаш қуввати ҳозирги 40 миллиондан 100 миллион тоннага етади.

Шу билан бирга, Олмалиқда мисни бойитиш фабрикаси ва Мис эритиш заводи лойиҳалари бошланади.

Навоийдаги Пистали конида 4 миллион тонна олтин рудасини қайта ишлаш мажмуасининг қурилиши якунланади.

Металлургия соҳасида амалга оширилган катта дастурларимиз беш йилдан кейин мисни – 3 баробар, олтинни эса йилига 150 тоннагача ошириш имконини беради.

Кимё, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигида ҳам катта-катта лойиҳалар ишга туширилади.

Шу билан бирга, фаол инвестицияларни жалб қилишда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш зарур.

Келгуси йили катта хусусийлаштиришни бошлаймиз, 1 мингга яқин корхона савдога чиқарилади.

Бугун кўнглимиздаги бир нијатимиз сизларга очик айтмоқчиман. Менинг катта нијатим – юртдошларимиз орасида юз минггаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин.

Шунинг учун топширик бердим: келгуси йилда энг йирик 10 та компания ва тижорат банклариимизнинг акциялари ўз аҳолимиз учун очик ва шаффоф савдога чиқарилади.

Бу чинакам халқлик IPO бўлишига ишонаман.

Шу борада илгари ҳам айтган гапимни тақрорлашни ўринли, деб биламан: **халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.**

Навбатдаги масала – 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча 4 миллиард долларга ошириш асосий мақсадимиз бўлади.

Бу йил бошланган «Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти» дастури ўз самарасини бермоқда. Бир йилнинг ўзига 2 мингга яқин тадбиркорлар илк бор ташқи бозорларга чиқди.

Келгуси йилда ҳам экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа харажатларини компенсация қилиш давом эттирилади.

Европа бозорларида текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камиди 2 баробар оширамиз. Маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 та босқичдан иборат боғжона расмийлаштируви 3 баробар қисқаради.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокараларни якунлаб, ички қонунчиликни мослаштириш, янги стандартларни жорий этиш ишларини жадаллаштирамиз.

Умуман, 2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор 23 миллиард доллардан ортади. Хурматли депутат ва сенаторлар!

Дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда очик ва прагматик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ташқи сиёсатни изчил давом эттирамиз.

Бундан кейин ҳам асосий эътиборимизни Марказий Осиёдаги барча қўшни мамлакатлар ва дунёдаги стратегик шерикларимиз бўлган давлатлар, халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратамиз.

Миллий хавфсизликни таъминлаш, Куролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз.

Шу ўринда депутат ва сенаторларимиз, маҳалла, нуруний, хотин-қизлар ва ёшлар фаоллари, бутун халқимизга қарата айтмоқчиман: энг бебаҳо олий неъмат – тинчликимиз ва осойиштагимизнинг қадрига етайлик, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту камоли учун бу улуг бойликни асраб-авайлайлик!

Шу мақсадда биз ишларимизни ҳарбий-ва танпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртва меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият беришимиз керак.

Ёш авлодимизни ана шундай баркамол, эл-юрт учун фидойи инсонлар қилиб тарбия-

лашда биз муҳтарам нурунийларимизга таянаимиз.

Ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлган дуоғўй отахон ва онахонларимизнинг сиҳат-гоҳларда саломатлигини тиклаш, уларга маҳалла ва жамоат масканларида қўшимча шароитлар яратиши давом эттирамиз.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзининг Ватани деб биладиган, унинг равнақи учун ҳисса қўшиб келаётган ҳар бир фуқаро бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ардоғида бўлади.

Миллатлараро дўстлик, диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин тақдор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?

**Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашга йўл қўймаймиз.** Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур.

Бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қиламиз.

Жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маданият соҳасини ривожлантириш, илмий-ижодий ташкилотлар, муҳтарам зиёлиларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам биз учун устувор йўналишлардан бири бўлади.

Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга,

миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуг мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур.

Франциядаги машҳур Лувр музейида шу кунларда давом этаётган миллий кўргазма халқимизнинг ноёб тарихий мероси, бетакрор маданияти ва анъаналарига хорижда қизиқиш қанчалик юқори эканини кўрсатмоқда. Бундай тарихий ва маданий бойликларимизни ёшларимизга ва хорижий туристларга янада сингрок таништириш, музейларни замон талабларига мослаштириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Қадрли юртдошлар!

Мана, сизлар билан биргаликда 2023 йил учун улкан мақсад ва вазифаларни белгилаб олдик. Албатта, дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда бу вазифаларни амалга ошириш осон бўлмайди. Лекин биз ўтган даврда катта билим ва тажриба тўпладик. Энг муҳими, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз тобора ортиб бормоқда.

**Шу боис, қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортага қайтмаймиз. Кўзлаган марраларимизга албатта етамиз. Бу йўлда нијати улуг, қалби пок, меҳнаткаш халқимизга таянаимиз.**

**Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни албатта барчамиз биргаликда бунёд этамиз.**

Фурсатдан фойдаланиб, ислохотларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган, барча синовларни мардона энгиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан жонажон Ватанимиз равнақиға бекиёс ҳисса қўшаётган мард ва олижаноб, бағрикенг халқимизга яна бир бор таъзим қиламан.

Барчангизни, бутун халқимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сиҳат-саломатлик, файзу барака, оилавий бахт тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Яратганнинг ўзи барчамизни, Ўзбекистонимизни паноҳида асрасин!

## ТАРАҚҚИЁТГА – ФАҚАТ МАШАҚҚАТЛИ ВА ЖАСОРАТЛИ МЕҲНАТ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

&lt;&lt;&lt; 1

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа бўлган ушбу тадбир 2017 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Унда тугаётган йилдаги асосий кўрсаткичлар, янги йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалар эълон қилинади. Шу боис халқимиз бу тадбирни доимо катта қизиқиш билан кутади.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сафимизга қарийб 900 минг янги авлод қўшилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев якунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлганини таъкидлади. Ушбу даврда тўпланган тажриба бир ҳақиқатни яққол исботлаб берди: тараққиётга – фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади.

– Шу боис пандемия, дунёдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятларга қарамасдан, халқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати билан эришган айрим ютуқларимизни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан, – деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ва самарали ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди.

Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзига 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспорт эса, 19 миллиард долларга етди.

Қайд этиш лозим, бундай катта натижалар илгари бўлмаган.

Бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилаларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

– Бу рақамларни айтиш осон. Уларнинг ҳар бири ортда машаққатли меҳнат турибди. Чунки инсон қадрини, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала, – деди Шавкат Мирзиёев. – Шу мақсадда охириги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингга ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурдик.

Халқимиз соғлиғини сақлаш учун барча тиббий хизматлар туман ва маҳалла даражасига туширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланаётгани, халқаро ҳамжамият буни кенг эътироф этаётгани ҳам аниқ ҳақиқатдир.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманларига мезбонлик қилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

– Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис «Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат» деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни энгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Асосий қонунимизни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ислохотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутмоқда. Бугунги кунга қадар бу борада 220 мингдан зиёд тақлиф келиб тушгани ҳам бунинг яққол далилидир.

«Жамият – ислохотлар ташаббускори» тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаънабат иш тугилмоқда.

Умуман, маъно-мазмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шойилмасдан ишлаб чиқиш кераклиги қайд этилди.

Фуқароларимиз билдирган барча тақлиф ва истақлар, албатта, инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Ҳар галгидек, Мурожаатноманинг энг ҳаяжонли қисми янги йилга ном берилиши бўлди. Давлатимиз раҳбари келгуси йилга режаларни тўғри олиш учун халқимизнинг фикрини ҳар бир йўналиш бўйича чуқур таҳлил этиб, 20 мингга яқин тақлифлар муҳокама қилинганини қайд этди.

– Одамларимиз таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт йўналишларида аниқ-аниқ масалаларни кўтариб, улар бўйича тизимли ечимларни ҳам тақлиф этмоқда. Аҳолимиз биздан мактаб, боғча ва шифохоналарни

# «Аёллар дафтари»:

Йиғилиш

# Учинчи босқич сарҳисоби ва тўртинчи босқич режалари



## ТИЗИМ БИЗНИ ОДАМЛАР ОРАСИГА ОЛИБ КИРДИ



Эркинжон ТУРДИМОВ,  
Самарқанд вилояти ҳокими:

– «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» тизими жойларда фаолият юритаётган сектор раҳбарлари учун ҳақиқий аҳолини билшида катта ёрдам бўлди, десам асло муболага эмас. Айниқса, хотин-қизларнинг муаммосини тизимли ҳал қилиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириши мақсадида тўзилган махсус комиссиянинг ўрни алоҳида. Ушбу комиссиянинг саъй-ҳаракати билан ўтган давр мобайнида Самарқандда 651 минг нафардан ортиқ аёлнинг муаммоси ўрганилиб, шундан 66 минг нафари «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинди. Тегишли тоифалар доирасида уларга кўмак берилди. Ушбу ишлар учун 94 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Сектор раҳбарларининг ташаббуси билан 5 минг 200 нафар хотин-қиз республика бўйлаб саёҳатга юборилган бўлса, 1400 нафардан ортиқ аёл касб-хунарга ўқитилди. Шу билан бир қаторда, Нукус туманидаги 10 нафар ёрдамга муҳтож аёлнинг уй-жойи таъмирлаб берилди.

Умуман олганда, бу борада вилоятда олиб борилган ишлар доим диққат марказида бўлиб турибди. Камчиликларни ўз вақтида тўғрилашга ҳаракат қиламиз.

«Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичида 108 минг нафар аёлнинг ижтимоий муаммосини ҳал этиши вазифаси топширилди. Насиб этса, бунинг ҳам уйдасидан чиқамиз. Зотан, бунга имкониятимиз ҳам, қурбимиз ҳам, маблағимиз ҳам етади.

## АВВАЛЛАРИ КАМБАҒАЛЛАР «ЙЎҚ ЭДИ», ЧУНКИ...



Танзила НОРБОВА,  
Олий Мажлис Сенати раиси:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссиясининг кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова, Президент маслаҳатчисининг ўринбосари Олимжон Салиев, Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортиқова, Республика комиссияси раҳбари ўринбосарлари, вазирлик ва идораларнинг раҳбар ўринбосарлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосарлари, касаба уюшмалари Республика кенгашлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз ташаббуси билан амалга татбиқ этилган ноёб тизим, яъни «Аёллар дафтари» тизимининг 3-босқичи доирасида 2022 йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, 2023 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Қайд этилганидек, «Аёллар дафтари» доирасида 1-босқичда 430 минг 275, 2-босқичда 450 минг 870, 3-босқичда эса 641 минг 816 нафар хотин-қизга амалий ёрдам берилди.

Мазкур рақамларни учинчи босқич мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, 214 минг 47 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Шундан 45 минг 616 нафари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган.

Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган 178 минг 801 нафар аёлга, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шу жумладан, тезкор тиббий ёрдамга муҳтож 121 минг 521 нафар хотин-қизга ҳамда қарамоғида ногирон фарзанди бор 70 минг 922 нафар опа-сингилга 396 миллиард 936 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Уй-жойга муҳтож 1 минг 846 нафар аёлни бошпана билан таъминлашга 7 миллиард 249 миллион сўм миқдорда маблағ йўналтирилди. 10 минг 909 нафар хотин-қизнинг уй-жой шароити яхшиланди. Умуман, «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичида рўйхатга киритилганларни қўллаб-қувватлаш учун 1,3 триллион сўмга яқин маблағ сарфланган.

Иш бор жойда камчилик бўлиши табиий, албатта. Видеоселектор давомида йўл қўйилган камчиликлар ҳам тилга олиб ўтилди.

Таъкидланишича, моддий ёрдам белгиланган суммадан кам миқдорда берилган ҳоллар ҳам кузатилади. Уй-жойни таъмирлаш ишлари совуқ кунларга қолиб кетган. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг тоифалари нотўғри белгиланган. Низомда белгиланган ёрдам тури қолиб кетиб, тикув машинаси ёки озиқ-овқат маҳсулотларини тақдим этиб, «ёрдам бердик» деб ҳисобот берилган ҳолатлар ҳам учради. Айрим ҳудудларда хотин-қизларнинг «индивидуал дастурлари» тўлиқ ва тўғри тўл-



дирилмаган. Аксарият дастурларда кўпи билан 2 та ёрдам тури берилиши белгиланган.

«Аёллар дафтари» тизимининг моҳиятига қарайдиган бўлсак, ҳар бир хотин-қизга комплекс ёрдам бериб, уни мустақил ҳаётга тайёрлаш назарда тутилган, – деди Қудратилла Рафиқов. – Масъуларга эса аёлларга битта ёки иккита ёрдам бериб, уларни «дафтар»дан чиқаришга уринмоқда. Хўш, улар кимни алдамоқчи бўляпти?! Бундай камчиликлар тўртинчи босқичда қайтарилмаслиги шарт.

2023 йилда «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизими доирасида манзилли ёрдам кўрсатиладиган эҳтиёжманд хотин-қизлар қамровини бир миллион нафарга етказиш режалаштирилган. Айни вақтда республика миқдорида 8 миллиондан зиёд 30 ёшдан

ошган хотин-қизлар истиқомат қилади. 1 миллион нафар эҳтиёжманд хотин-қиз эса мазкур кўрсаткичнинг 12,5 фоизини ташкил этади. Бизга берилган вазифа ушбу хотин-қизларнинг ҳар бири билан индивидуал ишлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, «Аёллар дафтари»нинг 4-босқичи 2023 йилнинг 5 январь кунидан бошланади. Бунинг учун жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан иборат ишчи гуруҳлар тўзилади. Ишчи гуруҳ таркибига маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари ҳамда туман (шаҳар) ташкилотларидан вакиллар жалб этилади. Ўрганиш жараёнида 75 минг нафар масъул қатнашади.



Саймон Абдурашмов ошган суратлар.

**Мавзуга доир:** Тадбир асносида мазкур тизим орқали ёрдам олган ва мушқули ариган аёллар билан суҳбатлашдик.

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани «Шўрқиллоқ» маҳалласида яшовчи Ҳимоятхон Умрзоқова ҳаёт қийинчиликларида товланган. Ташвишларга қўмилиб яшаган аёлнинг боши қанча синовларни кўрмади, дейсиз. Ишсизлик, чорасизлик ёмон экан. Иш излаб кўп жойларга борди. Лекин ўзига мос иш топа олмай, анча қийналди. Ойнинг ун беши қоронғу, ўн беши ёруғ деганларидек, хонадонига «қандай муаммоларингиз бор», дея эшик тақиллашиб келган ишчи гуруҳнинг ташрифи унинг мушқулини осон қилди. Мулоқот чоғида онасидан тикувчилик хунарини ўрганганини, бироқ тузукроқ тикув машинаси йўқлигини айтди.

– Президентимиз ташаббуси билан

бошланган хайрли ишлар сабаб елкамга офтоб теги, – дейди Ҳимоятхон Умрзоқова. – Ишчи гуруҳнинг ўрганишидан кейин «Аёллар дафтари»га киритилдим. Мутасаддиларга тикув машинаси бўлса, бемалол ўзимни эллаб кетишимни айтдим. Кўп ўтмай, ниятим рўёбга чиқди. Энди ишсиз эмасман. Хунарим, меҳнатим билан оиламга даромад киритмоқдаман. Шу туманда яшовчи Дилбархон Охунжонованинг ҳам қўли калталлиги сабаб уй-жойини таъмирлашга қурби етмаётганди. Ишчи гуруҳнинг ўрганишларидан сўнг у «Аёллар дафтари»га киритилди. Кўп ўтмай хонадонига таъмирлаш ишлари бошланиб кетди.

– Узоқ йиллик муаммо давлатимизнинг кўмаги билан ҳал бўлди, – дейди Дилбархон Охунжонов. – Ёмғир ёгса, уйнинг тоmidан чакка ўтиб, тонггача тоғора қўйиб ўтирар эдик. Мана яхши

кунлар келди. Уйимни бинойидек қилиб таъмирлаб беришди. Давлатимизнинг бу яхшилигини ҳеч қачон унутмайман.

– Иккинчи гуруҳ ногирони бўлсам-да, бекор ўтириш келмайди, – дейди Гулчехра Насриддинова. – Шу боис «Аёллар дафтари»га киритилгач, банкдан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйдим. Шукур, ишларим юришиб кетди.

Ҳозир б 6 та янги замонавий тикув машина бор. Тўрт кишини иш билан таъминладим. Яна 5 нафар хотин-қизга тикувчиликни ўргатилган. Тайёрлаган маҳсулотларимизга ишчи бозордан ташқари қўшни республикалардан ҳам бунортомлар оляпти. Насиб қилса, иш ўринларини янада кўпайтириб, ишсиз юрган опа-сингилларимизга хунар ўргатиб, уларнинг бандлигини таъминламоқчиман.

## БАЛИҚ ЭМАС, ҚАРМОҚ БЕРДИК



Хайрулла БОЗОРОВ,  
Фарғона вилояти ҳокими:

– «Аёллар дафтари»даги олтинга йўналиш бўйича буғун амалга оширган ишларни санасак, адоғига етолмаймиз. Мухими, қўловни ёрдамга муҳтож хотин-қизлар ўз турмуши тарзиди сезишди. Уларнинг кайфияти ўзгарди.

Бу борада олиб борилган ишлар давомида, аввало, хотин-қизлар бандлиги, касб-хунар ўргатиши, оилавий тадбиркорликка алоҳида аҳамият қаратдик. Яъни кўмакка муҳтож оилаларга балиқ эмас, қармоқ бердик. Бунинг натижасида тўрт минг нафарга яқин аёл тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Бошқа ишларга ҳам қисман тўхталсам: вилоятдаги 1 минг 62 та маҳаллада тўттиз ёшдан ошган аёллар хатловдан ўтказилди ва қарийб 80 минг нафардан ортиқ опа-сингилларнинг ҳаёти яхшиланди.

Рақамларга тўхталадиган бўлсам: 929 нафар аёлга уй берилди. Чунки аввалги йилларда бор-йўғи уч-тўртта уй қуриб берсак ҳам, мақтанардик. 1175 нафар хотин-қизнинг ижара тўлови тўлаб берилди. 367 нафарининг уй-жойи мукамал таъмирдан чиқарилди. 118 нафар бемор аёл хоржиди мураккаб жароҳлик амалиётини ўтатиб, соғ-саломат қайтиб келди.

Бу рақамлар айтишга осон. Аммо бунинг ортида жуда катта меҳнат ва машаққат ётибди. Ўрни келганда бизга жуда катта амалий ёрдам берган Республика комиссиясига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Келаятган йилда зиммамизга 112 минг нафар аёлнинг турмуш даражасини яхшилаш вазифаси топширилди. Бунга ҳозирдан киришамиз ва ишни бошлаб юборамиз. Ниятимиз – хотин-қизлар муаммосини ўрганиш ва ҳал этиш йўлида аввалгидан-да юқори натижаларни эгаллаш.

## АЁЛ РОЗИ БЎЛСА...



Зоир МИРЗАЕВ,  
Тошкент вилояти ҳокими:

– Қардаки аёл рози бўлса, ўша жойда тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик ҳукм суради. «Аёллар дафтари» тизими эса мана шу йўлда биз мутасаддиларга маёқ вазифасини ўтамоқда. Ушбу йўналиш ҳақиқатан ҳам хотин-қизлар муаммоси ҳал этилади, улар суянадиган тизим сифатида шаклланиб улгурди. Одамлар билан мулоқот чоғида кўряпмизки, уларнинг бу дафтарга ишончи баланд.

Бевосита Тошкент вилоятида амалга оширилган ишларга тўхталсам, 30 ёшдан юқори бўлган аёллар сони 1 миллион 448 минг нафар бўлса, ўтган давр мобайнида 60 мингдан зиёددига турли йўналишларда ёрдам кўрсатилди. Бу ишларга 37 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Тўртинчи босқичда 90 минг нафар аёлга ҳам моддий, ҳам маънавий, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш масаласи қўйилди. Ишчи гуруҳ мана шу аёлларнинг ҳар бири билан жойида чиққан ҳолда индивидуал суҳбат олиб боради ва ўрнаштирилган тартибда муаммосини ҳал этади. Мақсадимиз – вилоятда биронта ёрдамга муҳтож аёл эълтибордан четда қолмасин. Вазифани имкон доирасида бажаришга ҳаракат қиламиз.

1990 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни қабул қилди. 2000 йилда эса 18 декабрь Халқаро мигрантлар куни деб белги-ланди.

Албатта, бу бошқа муҳим сана-лар каби ўйин-кулги билан нишонланадиган кун ёки байрам эмас. Ўша кунни тегишли ташкилотлар, экспертлар асосий эътиборни халқаро миқёсдаги аҳвол таҳлилга қаратиб, ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини илгари сурадилар. Жумладан, БМТ ҳам мавжуд вазиятни ҳолис баҳолаб, муам-моли ҳолатлар бўйича хулосаларини билдиради. Асосий эътиборни меҳнат миграциясини тартибга солишга, одам-ларни қўллаб-қувватлашга ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратади.

БМТ таҳлилга кўра, сўнгги вақт-ларда оламда кузатилаётган турли мо-жаролар, хавфсизликка нисбатан таҳ-дид ва ишонсизлик, иқлим ўзгариши оқибатлари мамлакатлар ичида ҳамда чегаралар орқали мажбурий кўчиш-ларга асосий сабаб бўлмоқда. Масалан, 2021 йил охирига келиб 59 миллион-дан ортиқ киши ички ҳудуд бўйлаб ўз манзилини ўзгартирган. Жаҳон миқё-сида эса тахминан 281 миллиондан зиёд одам халқаро мигрант сифатида қайд этилган. Бугунги кўрсаткичлар ҳам деярли шунча.

Одамларни кўчиб ўтишга мажбур қиладиган омиллардан қатъи назар, мигрантларга жамиятдаги заиф қат-лам вакилларидан бири сифатида қа-ралади. Улар кўпинча эксплуатацияга дучор бўлишади, асосий хизматлар, жумладан, соғлиқни сақлаш хизмати-дан тўлақонли фойдалана олишмайди. Меҳнат мигрантлари асосан вақтин-чалик, норасмий ёки ҳимояланмаган шароитларда ишлашади. Бу эса улар-нинг фаолияти ва ҳаёти билан боғлиқ олдиндан айтиб бўлмайдиган турли кўнгилсизликларни кўпайтиради.

Шунингдек, хавфсиз ва доимий миг-рация йўллари йўқлиги туфайли ҳар йили миллионлаб одамлар хатарли йўналишлар бўйлаб сафарга чиқишда давом этмоқда. Бу акарият ҳолларда аянчилик якун топмоқда. Масалан, 2014 йилдан буён жаҳон бўйлаб мигра-ция маршрутларида 50 мингдан ортиқ киши вафот этди. Ҳолбуки улар янги ҳаёт илнжидида йўлга чиққан, ортида оиласи, яқинлари умид билан кўз тикиб қолган эди-ку! Якунига етмаган сафар эса ана шу орзу-умидлар ўрнини қайту



згаллашига олиб келган. Халқаро та-шкилотларни ўйлантираётган масалалар эса жуда кўп. Биринчидан, ҳаммаси қо-нуний асосда бўлишига эришиш лозим. Қолаверса, ҳукуматлар мигрантларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш-лари зарур. Лекин амалда бунга амал қилмайдиган давлатлар ҳам афсуски, оз эмас.

БМТ экспертларининг урғу бери-шича, аслида мигрантлар ўз мамла-кати, транзит ва қабул қилувчи давлат-лар учун фаровонлик, инновациялар ва барқарор ривожланиш манбаи бў-лиши мумкин. Негаки, пул ўтказмалари, айниқса, паст ва ўрта даромадли мам-лакатларда оилаларни моддий таъ-минлаш ва маҳаллий бозорларни рағ-батлантиришда муҳим ўрин тутди. Мигрантларнинг меҳнат бозоридаги роли ҳам бекиёс. Шундай экан, улар-нинг ривожланишга барқарор ҳисса кўшишини таъминлаш миграция бош-қарувини такомиллаштириши ва мав-жуд муаммоларни биргаликда ҳал этишни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, дунёда иш-сиз-ликни тўлиқ бартараф этган давлат йў-қ. Ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам аҳоли бандлигини таъминлашга боғлиқ муаммолар мавжуд. Фақат иш-сизлик кўрсаткичи ва ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан тафовутлар турлича.

Ўзбекистонда ҳам бандлик масаласи долзарб саналади. Лекин давлат аҳолини касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қув-ватлаш каби тизимли чора-тадбирлар

орқали бунга ижобий ечим топишга ин-тиломда. Қолаверса, хорижда ишлаш стагидидаги фуқароларга жуда катта им-кониятлар яратилмоқда.

Кўпчилик яхши билади, иш-сиз фуқароларимизнинг акарияти яқин-яқингача чет элда меҳнат қилиш учун турли йўллار билан чиқиб ке-тар, бировнинг ваъдасига ишониб ал-данарди, борган жойида паспортини олдирадди, ётиш-туриши, юриши ва еб-ичишининг тайини бўлмасди. Бош-қача айтганда, одам савдоси курбо-нига айланарди. Бундан ташқари, ай-рим юртдошларимиз қайси давлатга бораётганини билса-да, у ердаги умум-ий тартиб-қоидалардан, ўша мамла-кат тилидан мутлақо беҳабар бўларди. Шунга қарамай, ёлғон-яшиқ гапларга учиб кетаверарди. Таваккалчилик эса кўпчилигининг бошига этгани ҳам бор гап. Масалан, иш берувчилар алдаган, эзиб ишлатиб, пулини бермаган, касал бўлиб қолса, одамисан демаган ёки кўпроқ ишласа, кўшимча ҳақ тўлама-ган. Оқибатда пул топаман, деб кетган одам отнинг калласидек қарзга ботиб қайтарди.

Биз бу билан ишлашга борганларни ёмонламоқчи эмасмиз. Чунки улар да-ромад топаман, оилавий ҳаётини изга соламан деб шунга мажбур бўлишган. Асосий масала давлатнинг ўз фуқаро-ларига эга чиқиши, уларни ҳимоя қи-лиш ва қўллаб-қувватлашида. Биз янги ислохотлар даврида тарихимизда би-ринчи марта ушбу масалага Президент томонидан эътибор қаратилди, амалда катта ижобий қадамлар ташланганига

гувоҳ бўлиб турибмиз. Натижада хо-рижда меҳнат қилаётган ватандошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, мод-дий ва маданий қўллаб-қувватлаш кучайди. Жумладан, давлатимиз раҳ-барининг 2019 йил 20 августдаги «Хо-рижда вақтинчалик меҳнат фаоли-тини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш қафо-латларини янада кучайтириш чора-лари тўғрисида»ги Фармони билан бир қатор имкониятлар яратилди. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўй-ича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. 2020 йил 17 августда эса чет элда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мутасаддиларга хорижий давлатлар-даги йирик иш берувчилар билан му-зокара ўтказиб, ишчи ва мутахассислар юборилиши кўпайтириш, меҳнат миг-рантларига йўл ҳақи, патент ва сўғурта харажатлари учун паст ставкада кре-дитлар ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз ўша йили 15 сен-тябрда имзолаган қарорга мувофиқ, Ўзбекистонда хавфсиз, тартибли ва қо-нуний меҳнат миграцияси тизими жо-рий этилиб, чет элга ишга бормоқчи бўлган фуқаролар учун янги меха-низм яратилди. Унга биноан хорижда ишламоқчи бўлганларни касбий ва тил бўйича тайёрлаш амалга оширил-моқда. Меҳнат мигрантларига хорижда ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатил-

моқда. Бунинг учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида алоҳида жамғарма тузилди. Қатор дав-латларда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентликлар фао-лияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон Рес-публикаси Бош консулликлари ҳузу-рида Меҳнат миграцияси масалалари бўйича лавозим жорий этилди.

Табиики, юртимизга қайтган меҳнат мигрантларининг қайта мосла-шуви ҳам кўмаклашилмоқда. Ижти-моий аҳоли ночорларига квоталан-ган иш ўринлари назарда тутилган. Қайтиб келганларнинг бандлигига кў-маклашиш учун субсидия ва грантлар шаклида молиявий ёрдам бериш хиз-мати йўлга қўйилган. Бу масала 2022 йилда ҳам алоҳида эътиборда бўлди. Хусусан, 1 март куни Президентимиз-нинг «Хорижда вақтинча меҳнат фао-лиятини амалга ошираётган Ўзбеки-стон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қув-ватлаш бўйича қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида»ги қарори қабул қи-линди.

Яқинда Тошкентда меҳнат миг-рацияси бўйича ташкиллаштирилган халқаро форумда мамлакатимизнинг бу борадаги ютуқлари Халқаро мигра-ция ташкилоти вакиллари ва халқаро экспертлар томонидан эътироф этилди. Охириги уч йил ичида миграция геогра-фиясини кенгайтириш орқали хорижда ишлаш стагидида бўлган юртдошлари-мизни дунёнинг ривожланган давлат-ларига ишга жалб қилиш кўлами ке-нгайгани алоҳида таъкидланди. Ҳозирги кунда 30 дан ортиқ давлатнинг 480 тага яқин ташкилоти билан бу борада кели-шув имзолангани, 2021–2022 йилларда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими жорий қилиниши натижасида вақтинча меҳнат фаоли-тини амалга ошириш учун хорижда ке-таётган фуқароларни республика бўй-лаб 17 та «Ишга марҳамат» мономар-кази ҳамда 150 дан ортиқ касб-хунарга ўқитиш марказида 30 га яқин касбга, 10 га яқин чет тилига ўқитиш орқали на-зарий ва амалий тажриба тўплангани мамнуният ила тилга олинди.

Бундай мисоллар жуда кўп. Энг муҳими, «Инсон кадри учун» деган ҳаётий тамойил бу борада ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Давлат фуқаролари учун қайғуряпти, уларни қўллаб-қувватляпти. Бу ҳозирча даст-лабки қадамлар. Ишончимиз комилки, яратилган тизим яна янги имкониятлар эшиги очилишига хизмат қилаверади.

Шавкат ОРТИҚОВ,  
журналист

Шарҳ

Мутлола



ОЛИЙ  
ҚАДРИЯТНИ  
МУСТАҲКАМЛАШ  
САРИ

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 4-сонини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги ва Президентиимиз ташаббуси билан 5-6 декабр-да Самарқандда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича гло-бал форумга бағиш-ланган.

Олий Мажлис Се-нати раиси Т.Нор-боева ва ЎзЛиДП Сийёсий кенгаши ижроия қўмитасининг раиси А.Ҳайтовнинг мақола-ларида мустақил давлати-мизнинг Асосий қонуни бунёдкор халқимизнинг энг эзгу орзу-ниятлари ва мақсадларига хизмат қи-лиши, инсон қадри ғоя-сини мужассамлаштир-гани ўз ифодасини топган.

Инсон ҳуқуқлари бўй-ича миллий марказ ди-ректори А.Саидов, Олий Мажлис Сенати қўми-таси раисининг ўринбо-сари Д.Тошмухамедова, Тошкент давлат юридик университети прорек-тори Д.Умаров, фалсафа фанлари доктори К.Жа-вакова, Россия Халқлар дўстлиги университети ка-федраси мудири А.Аба-шидзе ва бошқаларнинг илмий мақолаларида Са-марқандда ўтказилган Ин-сон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича глобал фо-рум Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркин-ликлари ва қонуний ман-фаатлари кафолатлангани, бу масалалар олий қадри-ятга айланганининг ама-лий ифодаси бўлиши таъ-кидланган.

Журналда, шунинг-дек «Жамият ва ҳуқуқ», «Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбе-кистон таълими» ҳамда бошқа рунларда илмий мақолалар эълон қилин-ган.

Ўз муҳбиримиз

Инсоният ўз кашфиётлари билан оламни ўзгартирмоқда. Бугун шун-дай роботлар яратилаяптики, улар бизнинг эртамизни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, одамлар кейинчалик ҳар бир ишни роботларга юклаб, уйда бамайли-хотир ўтирсин ҳам бўлади.

Яқинда Xiaomi 13 ва Xiaomi 13 Pro смартфонларининг тақдироти бўлиб ўтди. Қизғин шундаки, уларни ишлаб чиқаришда инсон омили камайтирилиб, деярли ҳамма иш роботларга юклатил-ган. Бу компания учун ишчи кучини те-жаб, кўп миқдорда гаджет ишлаб чиқари-ш имкониятини беради.

Вақтдан унумли фойдаланган ҳолда, юмушларни роботларга топшириш – ишга кўмилганлар учун айна муддао. Тасаввур қилинг, уйқудан уйғониб то уйкуга кетгунингизга қадар юмушлар-нингизнинг барчасини темир ёрдам-чилар бажарса! Бу, айниқса, аёлларга қўл келади. Овқат тайёрлаш, уй тозалаш каби юмушларни бир зумда роботнинг ўзи бажаради. Болаларга овқат бериш, уларга дарс қилдириш, ювинтириш, хул-

## КЕЛАЖАҚДА ИШЧИЛАР ЎРНИНИ РОБОТЛАР ЭГАЛЛАЙДИМИ?

лас, барини удалайдиган ёрдамчилар ишлаб чиқарилса борми, энагаларга ҳам эҳтиёж қолмайди.

Бу ҳам майли, роботлар ташхис қўйишни ҳам удаламоқдалар. Рос-сияда ишлаб чиқарилган Промобот роботи Nadassah Medical шифохона-сида иш бошлади. У саломатлик кўр-саткичлари (қондаги қанд ва кислород миқдори, ўпкалар ҳажми, тана ҳаро-рати)ни ўлчайди ва беморнинг скри-нинг сўровини ўтказди. Албатта, бу билан тиббиёт ходимларининг иши энгиллашиб, вақти тежаллади. Бемор ҳам ортиқча овора-ю сарсон бўл-майди. Ҳозирда даволувчи ва опера-ция қилувчи роботлар ҳам мавжуд.

Промобот эса фақат ташхис қўйишга ихтисослашган.

Роботлар билан гаплашиш бир мунча қизиқ ҳам. Беморлар ортиқча савол бер-майди. Шифокорга аҳолидан нолиб, дардини дoston қилувчиларнинг оғзи ёпилади. Жимгина ўз вазифини ба-жарувчи роботларнинг чўнтагига би-рикки сўм солиш ҳам шарт эмас. Барчаси компьютерлаштирилган ҳолда, фақат аниқ мақсад учун ишлайди.

Дастёр темир ёрдамчилар тикувчи-ликда ҳам ўзларини синаб кўрмоқда. Бу айни вақтда тикув фабрикалари ишини осонлаштирмоқда. Siemens муҳандис-лари роботларга шим тикишни ўрга-тишди. 2018 йилдан бери Levi's ком-

панияси билан ҳамкорликда жинси шимини роботларга тиктириш борасида кўп бош қотирганлар. Пандемия сабаб бу шунчаки ҳаёл бўлиб қолган эди.

Замон ўзгаришлари билан ажабтовур. Айниқса, бу такомиллашув инсониятга хизмат қилса. Ўз уйимизда ҳам салкам ро-бот вазифини бажарувчи мосламалар бисёр. Кир ювиш машинаси бекаларнинг машаққатли юмушини қўлидан олди. Овқат оқи қолган идеш-товокларни эса махсус аппарат ёрдамида ювиш мумкин. Робот чангютикчи ҳам кўпгина хонадон-ларга кириб келди. Замонавий қурилма ўзи уйни тозалаб, хонадон саранжомли-гига хизмат қилади. Ёрдамчи роботларни ишлаб чиқариш шу йўсинда давом этса, одамларнинг ишлашига ҳам ҳожат қол-майди. Барини темир ёрдамчилар уdda-лайди. Кўзимиз кўрган ва кўрмаган барча турдаги роботлар бир тугма билангина бошқарилади. Хизмати беминнат, фақат эъзозлаб, авайлаб фойдаланилса – бас!

Фақат бир муаммо бор: биз унда нима иш қиламиз? Шуниси ҳам қизиқ-да, тўғрими?

Матлуба АҲМЕДОВА

Технология асри



## Одам савдоси – давр муаммоси

Маълумотларга кўра, дунё миқёсида ҳар йили 4,5 миллион нафардан зиёд киши одам савдоси қурбонига айланади. Ачинарлиси, уларнинг 1,2 миллиондан зиёди болалардир. Бу рақамлар одам савдосига қарши ку-рашиш қанчалик долзарб эканини англайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўз-бекистонда одам савдосига қарши курашиш борасида миллий тизим яратилган. Бу давлат ва жамоат ташкилот-лари ҳамкорлигини қамраган шундай ти-зимки, у халқаро ҳамкорлик алоқаларига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Хўш, мазкур тизим одам савдосининг олдини олиш ва ундан жабрланганларга қанчалик кўмак бермоқда?

2001 йилда ташкил этилган «Истиқболли авлод» ижтимоий ахборот маркази ўтган ўн саккиз йилда одам савдосидан жабрланган 8 минг нафарга яқин инсоннинг ҳаётда ўз

йўлини топишга кўмаклашди. 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун билан одам савдосига қарши курашиш бўйича ижтимоий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди.

Қайд этиш лозимки, узоқ йиллар Тош-кент шаҳри миқёсида фаолият юритган «Истиқболли авлод» ижтимоий ахборот марказига яқинда Республика мақоми бе-рилди. Бу марказнинг одам савдосидан жабрланганларга кўмак кўрсатиш миқёси кенгайгани, фаолият самарадорлиги орт-ганидан далолатдир.

Маълумки, халқаро ҳамкорлик асо-сида ташкил этилган марказнинг «Дол-зарб алоқа тармоғи» мавжуд. Кўпинча одам савдоси жабрланувчилари мазкур тармоққа мурожаат қилади. Уларга ёрдам бериш учун марказ психологлари, ҳуқуқ-шунослари доимо алоқада. Жабрланган фуқаронинг жойи аниқланган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳам-корликда уни қайтариш чораси кўрилади. Сўнгра уларнинг соғлигини тиклаш, руҳан далда бўлиш имкониятлари ишга соли-нади. Кейинги босқичда – марказда очил-ган ўнга яқин хунара тўғарак орқали уларга касб-хунара ўргатилади ва ишга жойлашти-риш чораси кўрилади.

Вена шаҳрида (Австрия) ўтказилган одам савдосига қарши курашиш мавзуси-даги халқаро конференцияда келтирил-ган маълумотларга қараганда, ҳар йили

ушбу жиноятнинг қурбонига айланаётган-ларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилмоқда. Афсуски, ноқонуний меҳнат миграцияси муаммолари мамла-катимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Айрим шахслар ишлаш учун норасмий равишда бошқа мамлакатларга йўл олмоқдалар. Бу эса одам савдоси билан шуғулланиб бой-лик орттириш умидида юрган кимсаларга қўл келмоқда.

Шу боис, мамлакатимизда бу иллатга қарши курашиш масалаларига давлат миқёсида катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз натижаларини бермоқда, албатта.

Бобурбек РАЖАБОВ,  
ИИВ Транспорт ва туризм объектиларида хавфсизликни таъминлаш департаменти Терроризмга қарши курашиш бўлими ходими

Таҳлил

Сўнги пайтларда баъзи оммавий ахборот воситаларида, хусусан, ижтимоий тармоқларда давлат органлари мансабдор шахслари қатори суд ҳокимияти субъектлари бўлиш судьяларга нисбатан ҳам нотўғри муносабатда бўлиш, яъни уларни асоссиз айблаш, қадр-қиммати ва шаънига салбий таъсир қиладиган чиқишлар кўпайди.

## СЎЗЛАШГА ҲАММАНИНГ ҲАҚҚИ БОР, АММО...

Тўғри, ҳар соҳада ҳам объектив, ҳам субъектив сабабларга кўра камчилик ва нуқсонлар кўзга ташланиши мумкин. Лекин бу ҳеч кимга хоҳлаган одамни, хоҳлаган амалдорни куракда турмайдиغان сўзлар билан ҳақорат қилиш ҳуқуқини бермайди.

Хусусан, Бош қомусимизнинг 48-моддасида «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар» дейилган.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 68-моддасида судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Яъни фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт. Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, уни

очикдан-очик менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасида ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситганлик учун ҳуқуқбузарга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланган.

Жиноят кодексининг 140-моддасида ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин яна содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима



Нуқтани назар



Убайдулла МИНГБОВ,  
Ўзбекистон Судьялар  
ассоциацияси раиси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
юрис

ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мумкин дейилган.

**Мухтасар айтганда, юқоридаги қонун нормаларини кимнидир қўрқитиш учун эмас, балки тарбиявий нуқтани назардан, ҳар хил ноҳушликларнинг олдини олиш мақсадида, фуқароларимизни ўз фикр-мулоҳазаларини ўзаро ҳурмат асосида билдиришга даъват этган ҳолда келтирдим. Зеро, биз қонун устувор бўлган жамоат қуръямиз. Бу жамоатда ҳар бир хатти-ҳаракат, ҳатто сўз эркинлиги ҳам қонун доирасидан четга чиқмаслиги лозим.**



Сирдарё вилояти

Президентимиз 2019 йилдаги нутқларидан бирида «Икки йилдан кейин ҳамма жойга ёш, ватанни севган кадрлар келади», деган эдилар. Орадан кўп ўтмай 30 ёшли Сарварбек Султонов Ширин шаҳрига раҳбар этиб тайинланди. Ушандан буён у ҳудуддаги бунёдкорлик ишларига бошқош бўлиб келмоқда. Энг муҳими, ёш раҳбар муаммоларни чуқурроқ билиши, фидойилиги, ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлиги билан кўпчилиққа ўрناق бўлиши лозимлигини амалда исботламоқда.

Асли оқолтинлик бўлган Сарварбек талабалик даврида ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатида ишлаб, кўплаб лойиҳаларни яратишда қатнашди. Ҳоким лавозимига тайинлангандан кейин ана ўша лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш унинг асосий вазифалари қаторидан ўрин олди. Ўз навбатида, фидокорона хизматлари муносиб рағбатлантирилмоқда. Масалан, аввал «Дўстлик» ордени билан тақдирланган бўлса, яқинда эса Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси уюштирган республика танловининг «Энг яхши сектор раҳбари» номинацияси бўйича вилоят босқичи совриндори бўлди.

## Жонкуяр ва ташаббускор ЁШ РАҲБАР



Ёш ҳоким ўз иш жараёнининг муҳим йўналиши бўлиши «Аёллар дафтари»ни юритиш ва шу жараёнда аниқланган муаммоларни ижобий ҳал этиш қораларини ҳам кўрмоқда. Бу ҳақда вилоят касабаси уюшмаларининг Ширин шаҳрига бириктирилган вакили Ботир Усмонов шундай дейди:

— Мен ушбу йўналишдаги ишларнинг боришини вилоятнинг бир неча туманида кузатдим. Айрим раҳбарлар доим иш билан бандлигини рўқач қилиб, муаммага ечим топишда шаҳсан иштирок этмайди ёки келган вақтни қабул қилмайди. Шу жиҳатдан қараганда, Сарварбекдан кўп нарсани ўрганса бўлади. У ўз вазифасига ҳаммиша юксак масъулият билан ёндашади. Атрофдагилар бу ҳокимни ҳеч қачон чарча-

ган ёки асабий ҳолда кўришмаган. Қўли доимо кўксидан ва ҳушмуомалалик билан, одамлар кўнглига йўл топиб ишлайди. Дунёқароши кенглиги, мурожаат этувчиларнинг дард-ҳасратини сабр билан бафуржа тинглашига ва муаммоларга тез ечим топишига кўп гувоҳ бўлганман. Жумладан, «Дўстлик» маҳалласида яшаётган, вояга етмаган фарзандини ёлғиз ўзи боқиб катта қилаётган II гуруҳ ногирони Қулчеҳра Самидова «Аёллар дафтари»га киритилган ва унинг уй-жойини таъмирлаб бериш белгиланган. Бироқ ҳамма иш ниҳоясига етса-да, аёлнинг юзига табассум инмади. Ҳоким буни пайқагач, ўша хонадонга ҳомиёлар ёрдамида зеб берилиб, қайтадан жиҳозланди. «Фарҳод» маҳалласида истиқомат қи-

лувчи Ўринжон Одилоеванинг тураржойи ҳам шу йўсинда рисоладагидек таъмирдан чиқарилди.

Бу мисоллар ҳоким аҳолини чинакамга рози қилишга уринаётганидан далолат беради. Шунингдек, унинг саъй-ҳаракатлари билан ўтган давр мобайнида шаҳар марказининг архитектуравий кўриниши тубдан ўзгарди. «Ёшлар маркази», маданият боғи ва саломатлик марказлари барпо этилиб, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Сарварбек Султонов касабаси уюшмаси таклифлари ва ташаббусларига доимо хайрихоҳлик билан қараб, уларни қўллаб-қувватлаб келади. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Мақсуда Алиқуллова бизга ушбу ташкилотнинг жамоа шартнома муҳокамасига бағишланган йиғилишда ҳоким иштирок этиб, унда билдирилган таклифларни рўёбга чиқаришни ўз вазифаси деб билганини ва зиммасига олганини айтди.

Аҳолини сони жадал ўсиб бораётган, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида илчил ривожланиётган шаҳарга раҳбарлик қилиш албатта осон эмас. Лекин ўзига ишончи мустаҳкам ва ишни оқилона ташкил этадиган одам унинг удрасидан чиқа олади. Бизнингча, бунга Сарварбек Султоновнинг фаолияти аққол мисол бўла олади.

Озода МАМАДАЛИЕВА  
«ISHONCH»

БУГУН ҲАММА АРГЕНТИНА ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛГАНИ ҲАҚИДА ГАПИРМОҚДА. БУ АСЛИДА «ҚАТАР – 2022»НИНГ МУҲИМ ВОҚЕАСИ ЭМАС. ФУТБОЛ БОШЛАНДИМИ, ДЕМАК, КИМДИР ҒОЛИБ ЧИҚИШИ БОР ГАП.

Менимча, 22-жаҳон чемпионатида Лионел Мессининг чемпионлик шоҳасига кўтарилиши дунё футбол учун узоқ кутилган ва мегаюлдуз Криштиану Роналду истамаган иш бўлди. Чунки Месси бугунга қадар тўрт бор жаҳон чемпионатининг финал қисмида қатнашиб, бирор марта чемпион бўлмаган эди. Нихоят, бешинчи уринишда бунга урдалади. Бирйўла олтин тўпга ҳам эга чиқди шоввоз. Шу пайтгача дунёнинг забардаст футболчилари орасида биргина Криштиану Роналду (клублар мисолида) Мессига тенглашиш ва баъзи жабҳаларда уни ортада қолдира олиш имкониятига эга бўлиб турганди. Барибир, иккита кўчқорнинг боши битта қозонда қайнамади, Месси Роналду чиқолмайдиган чўққини забт этди.

Дарвоқе, футбол ишқибозлари икки аср ичида жами 22 та жаҳон чемпионати ўйинларини мириқиб кузатишди. Бу давр оралиғида бир неча юзлаб футбол юлдузлари бир-бирини ендириб, сўндирдилар. Аммо қалбимизда Марадонанинг бекиёс ўйинлари туйғули ёнган аланга ҳали-ҳамон ўчадиганга ўхшамайди. Ҳаттоки Месси ҳам бунга эллай олмайди чоғи.

Ҳолбуки Мессининг совринлари Марадонаникидан беш-олти марта кўпайиб кетди. Уларнинг қаторига жаҳон чемпионлиги ҳам қўшилди. Шундай бўлса-да, айтиш мумкинки, Мессидан Марадонагача ҳали жуда узоқ йўл бор. Бу йўлни дон Диего сошлаб, ўзига мослаб кетган. Ундан юришининг ҳамма ҳам удрасидан чиқавермайди.

Табиики, Месси футбол майдонида ашаддий ишқибозлар кўзига камтар бўлиб кўри-



## АҚЛЛИ МЕССИ

ЗЎРМИ ЁКИ

## АРЗАНДА МАРАДОНА?

нади. Марадонани эса кўпчилик худбин, ўжар, қайтмас ва аҳмоқ, деб ўйлайди. Бу баайни ҳақиқатдир. Санъатда, адабиётда, спорт ва сиёсатда шундай одамлар борки, баъзида уларга инсон қалбини жароҳатлайдиган, ҳаётга нисбатан муҳаббатни сусайтирадиган ёқимсиз қилиқлар ҳам ярашади. Нима қилмасин, биз уларни кечириб юбораверамиз, илҳосимизни қайтаргимиз келмайди. Марадона шундай замондошларимиз орасидаги энг арзандаси эди. У вақтида анча дуруст футбол ўйнади, яхши пул топди. Ичиш, чекиш, маишат, ур-йиқит, қимор, гиёҳвандликни қанда қилмади. Кези келганда, Рим папаси тилла қошиқда кунига уч маҳал оқватланиш баробарида дунёдаги оч қолаётган болаларга мурувват кўрсатиш лозимлиги ҳақида ўйлашни ўтакетган бемаънилик, дея кескин қоралади. Марадона Кубани футболдан ташқарида бижғиб кетган негиристон, дея камситиб, ўзи шу мамлакат президенти паноҳида гиёҳвандликдан даволанди. ФИФАнинг

собиқ президентларини қаллобга чиқариб ўзи ҳар гал допинг можароларидан сўнг шу «қаллоблар»дан йиллар давомида мурувват кутиб яшади.

Бундай ҳаёт тарзи фақат Марадонага хос ва фақат унинг ўзига ярашар эди. У худди шу характер билан буюк футболчи ҳамда ватанпарвар одам бўлиб шаклланди. Кутилмаганда ўтга, сувга, сугда тушиди ҳамки ўзлигини инкор қилишга, ўзини ўзгартиришга чоғланмади, билганидан қолмади. Шунинг учун ҳам унга ҳавас қиладиганлар жуда кўп.

Месси эса, камтар, зарарли одатлардан анча холи шахс. Марадонаникидек ўта хавфли ва шов-шувли ҳаёт унинг жинига тўғри келмайди. Агар дон Диегонинг ортидан борганда илгариги оддий Месси ҳозирги номдор Мессига айлана олмасди. Аксинча, арзанда дон Мессининг йўлини танлаганда жаҳон чемпионлигини тушида ҳам кўролмасди.

Икки буюк шахс ҳақида гап кетганда, футбол ишқибозларининг аксарияти ҳозирги Мессининг шуҳрати ўтмишдаги Марадонанинг обрўсига эса ташлаб қолишидан хаво-

тирланадилар. Ушбу хавотирларда, албатта, буюк ва эркатой Марадонага аталган чексиз меҳр-муҳаббат бўй кўрсатиб туради.

Мана, 22-жаҳон чемпионати тугади. У боқий Марадонага руҳ хотиржамлигини, буюк Мессига чемпионлигини берди. Бошқаларга-чи? Бизга-чи? Менимча, чемпионат давомида қайд этилган натижалар ҳақида гапи-

ришга ҳожат йўқ. Бунга ҳамма бирдек кузатиб борди. Баъзан кимнингдир эҳтироси жўшди, кимларгадир алам қиларли натижалар қайд этилди. Тўғриси, «Қатар – 2022» чаққонёқ Роналдуни сафдан чиқарди. Бунга Португалия терма жамоасининг остози ҳам мегаюлдузни захирада қолдириб, керагидан ортик ҳисса кўшиб юборди. Зарда қилди шекилли, Роналду катта ва зўр футболдан сал ортага чекиниб, араб

### Чемпионатдан кейинги ўйлар

жамоаларидан бирининг пулига учди. Роҳатини ўйлади. Жаҳон чемпионлигидан умидини узди. Мароқаш терма жамоасининг таҳликали юриши Мбаппе (бугунги Франция тимсоли)га футбол бир кишининг эмас, кўпчиликнинг иши эканлигини тушунтириб қўйди. Билъакс, 23 ёшли Мбаппе ва бошқа юлдузчалар учун машҳурликка кенг йўл очилди. Уларга соя ташлайдиган иккита катта «чинор» (Месси ва Роналду) четга чиқди ҳисоби.

Гарчи Аргентина терма жамоаси чемпионлиқни нишонлаган бўлса-да, мен мухлис сифатида Франция футбол мутахассисларига қойил қолдим. Франглар кумуш медални кўлга киритганидан қатъи назар бош мураббий Диде Дешам дарҳол истефо берди. Мамлакат Президенти Эммануэль Макроннинг финалдан сўнг майдонга тушиб келиши ва футболчиларга далда бериши ҳам Дешамни фикрдан қайтара олмади.

Алқисса, Макрон мамлакат жамоасининг бу галги натижасидан ҳам қониққан кўринади. Мураббийнинг эса асло кўнгли тўлмади. Демак, собиқ жаҳон чемпионлари, яъни франглар катта мақсад билан Қатарга келишган. Уларнинг сафига Мароқаш, Хорватия, Нидерландия, Австралияни ҳам бемалол қўйиши мумкин.

Қанийди, бизникилар бу чемпионатдан тегишли хулоса чиқариб олсалар...

Жаҳон чемпионати бошланишидан олдин Роналду «Бразилияликларнинг аксарияти португал тилида гаплашгани учун ҳам улар беш марта жаҳон чемпионлигини кўлга киритишган», деганди. Чемпионатдан сўнг «Таркибида турли миллат вакиллари бўлгани учун ҳам французлар олтин медални бой беришди», дея иддао қилди.

Бу ёмон рақиб ёки нотўғри фикр эмаслигини инобатга оладиган бўлсак, бизнинг терма жамоамиз ҳам жаҳон чемпионатида бироз яқин келган кўринади. Фақат имкониятлардан унумли ва виждонан фойдаланишни йўлга қўйсак, бас, 2026 йили Мексикада бўладиган жаҳон чемпионатининг 48 қатнашчиси сафига қўшилишимизга ҳеч ким шубҳа қилмайди. Терма жамоамиз Мексикага борадиган бўлса, мен бугун ақлли Месси билан «аҳмоқ» Марадонани ўзаро қиёсаланимдек, «Новча Шомуродов зўрми ёки гинти Эмбарпе?» дея мириқиб ёзардим. Ҳозирча «Қатар – 2022» менга шундай орзуни берганидан хурсандман.

Нормурод МУСОМОВ  
«ISHONCH»

Хотира

**БУ ДУНЁДА ЭЗГУ ФАЗИЛАТ-ЛАРИ, ҲАЛОЛ ВА САМАРАЛИ МЕҲНАТЛАРИ, АМАЛГА ОШИРГАН ХАЙРЛИ ИШЛАРИ БИЛАН БОШҚАЛАРГА, АЙНИҚСА, ЁШЛАРГА ИБРАТ БЎЛГАН ИНСОНЛАР КЎП. УЛАРДАН БИРИ ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ – ИҚТИСОД ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР УЎТАМ ПАРДАЕВИЧ УМУРЗОҚОВ ЭДИ...**



# АТОҚЛИ ОЛИМНИНГ ИБРАТЛИ УМР ЙЎЛИ

Мен олий ўқув юртини битириб, меҳнат фаолиятини эндигина бошлаган кезларим хизмат юзасидан Уктам акага учрашиб, қяндан танишганман. Бора-бора унинг қадрдон дўстлари ва шогирдлари билан мулоқотларига гувоҳ бўла бошлаганман. Кейинчалик Жиззах вилоятининг Арнасай тумани газетасида муҳбирлик қилганим билан Уктам ака мени ўзига янада яқин олиб, «арнасайлик укам» дейдиган бўлди. Хар сафар учрашганимизда у акаси Илҳом Умурзоқов Арнасайда, волидаи муҳтарамаси Хосият опа эса Зомин тумани матбуот бирлашмаси ва маҳаллий газетасида ишлаганини завқ билан тилга олар, ижодкор ва журналистларга, адабиёт ва санъатга меҳр-муҳаббатни беқиёслигини бот-бот такрорларди.

там ака менга шундай деди-ю, яна китоб ўқишга тутинди...

Тавлим тараққиёти йўлидаги жасорати ва фидокорона меҳнатлари билан элга танилган Уктам Умурзоқов ана шундай камтар ва камсуқум инсон эди. Унинг самимийлиги ҳар қандай киши қалбига секин-секин туйғулари уйғотар, мазмундор суҳбатлари, дилтортар сўзлари кўнгилларини мунаввар этарди. Бундан ташқари, у шогирдларига гоёғат ғамхўр эди.

– 1993 йили институтни битираётганим, – дея хотирлайди техника фанлари доктори, профессор Равшан Мусулмонов. – Бир куни диплом ишимнинг раҳбари Шодийёр Нодиров мени проректор Уктам Пардаевич йўқлаётганини айтиб қолди. Минг бир истиҳола ва ҳаяжон билан домланинг хонасига кирдим. «Институтни қизил диплом билан битираяпсиз. Хўш, кейинги режаларингиз қандай?» дея вазминлик билан сўради у киши. «Аниқ билмайман, балки қишлоққа бориб ишларман», дедим елкамни қисиб. «Биз яхши ўқиган битирувчиларни ўзимизда олиб қолмоқчимиз. Демак, сиз ҳам келгусида илмий иш биларимни икки буюк олимнинг кўрсатмалари асосида муваффақиятли олиб бордим.

Домланинг ажойиб фазилатларидан яна бири ҳаммага бирдек хушмуомалада бўлишида, уларнинг гап-сўзларини диққат билан тинглаб, босиқлик билан жавоб қайтаршида эди. У суҳбатдошларининг ички дунёсини мулоқот жараёнида билиб олارد. Жисми исмига монандлиги ўқтамлик билан гапиришида ва одамгарчилигида намоён бўларди. Энг муҳими, мен у кишини таниганимдан буён бирон марта ноҳўя ёки кўпол сўз айтганини эшитмаганман. Шошилмай фикр-мулоҳаза юритар, ҳамсуҳбати кимлигидан қатъи назар, самимийлигини йўқотмасди. Одамларга яхшилик қилиш ва муҳтожларни қўллаб-қувватлашни ўзининг инсоний бурчи деб биларди. Одамзоднинг ҳаёт йўли ва умр довоини қанча ва қандай яшагани билан эмас, тирикчилигида халқига қилган хизматлари, амалга оширган яхши ишлари, одамларга кўрсатган меҳр-саховати ва одоб-ахлоқи билан белгиланишини кўп таъкидларди.

Кўп китоб ўқиш, даврларда кам гапириш, жўяли маслаҳат ва таклифларни амалиётга татбиқ этиш зарурлигини содда-лўнда қилиб тушунтириб берарди. Уктам аканинг 1907 йили Зомин туманида туғилган отаси Парда Умурзоқов ҳам элга таниқли раҳбарлардан эди. У Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани фирқа кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаётган кезлари деди Уктам Пардаевич асл мурдаога ўтиб. Мен факулдодда таклифдан аввалига довдираб қолдим. Кейин эс-хўшимни ўнглаб олиб, «Хўп!» дедим. Кетишга ружаст теккач, проректор хонасидан бир олам қувонч билан гўёки учиб чиқдим. Диплом ҳимоясидан кейин аспирантурага йўланма олиб, Трактор ва автомобиллар кафедрасида ишлаб бошладим. Устозлар изидан бориб, умримни илм-маърифатга бахшида этдим ва домланинг суюлики шогирдларидан бирига айландим. Домла мени доимо қўллаб-қувватлаб турди. Докторлик ишимга эса Оқил Салимов раҳбарлик қилди. Мен илмий тадқиқот-

Дарвоқе, Зомин туманидаги рус тилига ихтисослаштирилган 1-мактабни олтин медал билан тугатган Уктам Умурзоқов Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)нинг Ташмирлаш технологиясини ташкиллаштириш факультетига кириб ўқий бошлади. Талабалик давридаёқ илмга иштиёқи баландлигидан ташқари, ташкилотчилик қобилиятига эгаллигини ҳам намоён этди. 3-4-босқичларда ўқиётган пайтлари ишлаб чиқариш амалиётларини олс Олтой трактор заводи ва Казберг автомобиль заводида ўтади, станокларни бошқариш ва машиналарни йиғиш цехларида ишлаб, малака ва тажриба орттирди.

У 1974 йили институтни имтиёзли диплом билан битиргач, шу даргоҳда фаолият юрита бошлади. 1983 йили қишлоқ хўжалигини механизациялаш мутахассислиги бўйича техника фанлари номзоди илмий даражасини олди. Орадан яна йигирма йил ўтгач, иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун микроэкономика (агротехнология) иқтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ёқлади.

Уктам Пардаевич институтда оддий ўқитувчи, кичик илмий ходим, лаборатория мудир, турли факультетлар декани, проректор, биринчи проректор, ректор маслаҳатчиси ва кейинроқ ректор лавозимларида ишлаганида ҳам барча масалаларни ҳамкасблари билан бамаъна ҳал этарди. Каттао кичикка иззат-ҳурматини жойига қўйиб, муомалада бўларди. Шу боис оддий фаррош ва лаборантлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар орасида катта обрў-этибор қозонди. 2019-2021 йилларда Республика олий таълим кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати вази-фаларини адо этганида ҳам маҳалла тизими ва таълим соҳасига доир талай муаммоларни ижобий ҳал этишга эришди. Таассуфлар бўлсинки, 2021 йил 26 июль куни эса 69 ёшда вафот этди.

Ҳа, Уктам Умурзоқов фидойи олим, илм-фаннинг том маънодаги жонқуяри эди. У таълим ҳамда илмий тадқиқотлар соҳасидаги қуви рақобат шароитида аграр тармоқ ва сул хўжалигида инновацион ечимларни топиш ва уларни ривожлантириш мақсадида ўзи раҳбарлик қилган олий таълим муассасаси стратегиясини ишлаб чиқиб, уни замонавий тадқиқотлар университетига айлантириш таклифини илгари сурди. Бундай университетни шакллантиришнинг муҳим омилли эса унинг кўп функцияли бўлиши, «Таълим – фан – ишлаб чиқариш» занжирини инновацион жараёнлар қўллаб-қувватлашини билан боғлиқ. Бунда ҳар бир муассасанинг ўзи замонавий илмий-тадқиқот ҳамда тажриба ўтказиш инфратузилмасига эга бўлади. Шунга кўра, Уктам Умурзоқовнинг гоёси маъқулланди ва Президентимизнинг 2021 йил 10 декабрдаги «Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига асосан, ушбу илм даргоҳи «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот уни-

верситети деб қайта номланди. Уктам Умурзоқов миллий таълимнинг барча жаҳаларида очкичлик ва шаффофликни ҳар томонлама таъминлаш, илм-фан ва замонавий технологиялар ютуқларидан самарали фойдаланиш, ёшларнинг билим савиясини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ошириш, улар хорижий мамлакатларда билим олиб ва ишлаб тажриба орттиришлари зарурлигини кўп таъкидларди.

Домла бошлаб берган хайрли анъаналарни бугунги кунда шогирдлари давом эттириб, илм-фан ривожига ва халқ раванки йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Мамадали ЭРОНОВ,  
журналист.

**МУАССИС:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
ISSN 2010-5009  
2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
116-рақам билан  
рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari taхрир хайъати:  
Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир хайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Кутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Нодира ҚОЙИМНАЗАРОВА,  
Анвар КУЙМУРАДОВ  
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),  
Меҳридин ШУКУРОВ  
(Маъсул котиб – «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК  
(Маъсул котиб – «Ishonch-Doverie»)

**Бош муҳаррир**  
Ҳусан ЭРМАТОВ  
**Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69  
Хўқўб ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz**  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

**Худудлардаги муҳбирлар:**  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
**Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**  
З. Рихсиев  
**Мусаххиллар:**  
Д. Худойберганаева,  
Д. Равшанова  
**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **04:50**  
Топширилди – **05:10**  
Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 4 босма табақ.  
Буюртма **Г-1206**  
**31168** нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: **133**  
1 2 3 4 5 6  
**Баҳоси келишилган нарҳда**  
**Манзиллими:**  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Sharg» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
**Корхона манзили:**  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
**Тахририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130

**У 1974 йили институтни имтиёзли диплом билан битиргач, шу даргоҳда фаолият юрита бошлади. 1983 йили қишлоқ хўжалигини механизациялаш мутахассислиги бўйича техника фанлари номзоди илмий даражасини олди. Орадан яна йигирма йил ўтгач, иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун микроэкономика (агротехнология) иқтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ёқлади.**

лан шуғулланасиз, маъқулми?» деди Уктам Пардаевич асл мурдаога ўтиб. Мен факулдодда таклифдан аввалига довдираб қолдим. Кейин эс-хўшимни ўнглаб олиб, «Хўп!» дедим. Кетишга ружаст теккач, проректор хонасидан бир олам қувонч билан гўёки учиб чиқдим. Диплом ҳимоясидан кейин аспирантурага йўланма олиб, Трактор ва автомобиллар кафедрасида ишлаб бошладим. Устозлар изидан бориб, умримни илм-маърифатга бахшида этдим ва домланинг суюлики шогирдларидан бирига айландим. Домла мени доимо қўллаб-қувватлаб турди. Докторлик ишимга эса Оқил Салимов раҳбарлик қилди. Мен илмий тадқиқот-

48 ёшида боқий оламга рихлат қилганди. Бу жудодик фарзандлари қалбиде жароҳати осонликча битмас армон бўлиб қолганди. – Халқимиз «От ўрнини той босар» деган нақлни бежиз айтмаган, – деган эди моҳир ирригатор, чўлқувар олим Уриш Мажидов. – Парда Умурзоқовнинг зурриётлари ҳам жамиятга ва халққа хизмат қиладиган оқил инсонлар бўлиб етишди. Жумладан, Илҳомжон унинг йўлидан бориб, чўлларни ўзлаштириш баҳоли кудрат хисса қўшди. Уктам Пардаевич эса атоқли ва забардаст олим сифатида эл назарига тушди.

**Тошкент шаҳри**  
Шу йилнинг ноябрь ойи юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида инглиз тили фан ойлиги сифатида нишонланди. Бу тадбир Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилди. Ойлик давомида барча мактабларда мультимедиядан фойдаланилган ҳолда очик дарслар, конкурслар, экскурсиялар ва мактаб олимпиадалари ўтказилди.  
Инглиз тили фани бўйича таълим беришида пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 61-мактаб ҳам пешқадамлар сафига тилга олинади. Мазкур билан даргоҳида инглиз тили барча синфларда ўқитилади. Биринчи синфларда ўйин ва оғзаки нуқт шаклида олий борилса, иккинчи синфдан бошлаб алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришга



## ҲАР ТИЛНИ БИЛУВ ЭМДИ...

биринчи ўринни эгалладилар. – Фан ойлигининг туман мактаблари инглиз тили фани методик бирлашмалари раҳбарлари ва фаол ўқитувчилари иштирокидаги якуний тадбири ҳам шу мактабда бўлиб ўтди, – дейди инглиз тили фани бўйича методик бирлашмаси раиси Гулноза Шарипова. – Унда мен ўрганилаётган тилдан жонли тарзда фойдаланиш ҳамда турли мулоқот кўникмалари – эшитиш, гапириш, ўқиш ва ёзишни ўргатишда илғор педагогик усуллардан фойдаланиш хусусида маърузам билан иштирок этдим. Мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Ольга

Филиппова эса ўз тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашди. Йиғилишда ёшларимиз инглиз тилида ўз юртимизда ҳам, чет элларда ҳам бирдек таҳсил олиб, олий маълумот олишаётгани ҳақида мамнуният ила таъкидланди. Келгусида ушбу фан бўйича дарсларни янада мазмунли ўтиш, синфдан ташқари машғулотлар ва фан тўғрараклари самарадорлигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,  
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси  
Муҳайё АРИПОВА,  
Яшнобод туманидаги 61-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси